VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

26 (139) ● 2011 йил 6 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

### Ижтимоий-сиёсий етуклик

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қошидаги "Аёллар қаноти" ҳам партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жамиятимизда аёлларнинг мавқеини ошириш, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, улар онгига миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат каби эзгу туйғуларни сингдиришга кўмаклашмоқда.



### Оилавий тадбиркорлик

Наманган шаҳрининг Гулбоғ маҳалласида истиқомат қилаётган Анас ака Мирзабоев хонадонида бўлсангиз, кимдир ёғочга нақш солган, гул чизган, кимдир қўлида искана — безак бераяпти. Ҳар ким ўз иши билан банд. Бу ерда бой маънавий меросимиз қайта тикланаётганига, қадриятларимизнинг ўзига хослиги ва жозибасига гувоҳ бўласиз.



### Виртуал жосуслар

Улар ҳеч қачон жамоа бўлиб ҳаракатланмайди, балки якка-якка ишга киришиб, ўғирлик майдонига киргандагина ўз-ўзидан кўпаяди. Чақирилмаган "меҳмон" ўзга уйларга кириб, бемалол кезиб юради ва ҳеч қачон зарар келтирмай кетмайди. Гап кибер ўғрилар ҳақида кетаётганини англаб улгургандирсиз. Улар — компьютер вируслари ва хакерлар (кракер, реверсер) бўлиб, "қаҳрамонлар" компьютер хотирасида ким ҳамда нимага айланади.

2 СИЁСАТ 5 МАЪНАВИЯТ 7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

***Партия ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашни устувор вазифалардан бири деб ҳисоблайди.***

**(ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастуридан)**







● ИСТЕЪДОД

## ЎЗБЕК ҚИЗИНИНГ ЮКСАК МУВАФФАҚИЯТИ

**Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида халқаро танловлар ғолиби, Европа мусиқа ихлосмандлари эътиборига тушган ёш ва қобилиятли ўзбек пианиночиси Лола Расулованинг концерт дастури бўлиб ўтди.**

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ташкил этилган концерт дастурида иқтидорли пианиночи томонидан жаҳоннинг дурдона классик асарлари маҳорат билан намойиш этилди.

Лола Расулова Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейини муваффақиятли тамомлаган. Шундан сўнг Лола таҳсилни Москвадаги машҳур Гнесиних номидаги мусиқий мактабда давом эттиради. Женева консерваториясида аспирантурани тугатиб, бугунги кунда ҳам ушбу масканда ўз касби сирларини янада синчковлик билан ўрганишда давом этмоқда.

Кўплаб халқаро мусобақалар ғолиби бўлган Л.Расулованинг ижоди юксак баҳоланиб, "Ниҳол" давлат мукофоти топширилди ва у пойтахтимизда ўтказилган "Истиқлол" республика мусиқа танлови совриндорига айланди. Лола Расулованинг яккахон бадиий чиқишлари барчага бирдай манзур бўлди.

**Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс"**

● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

**ПЛАКАТЛАР МАЖМУАСИДА**







***Тарихан қисқа, 20 йил ичида Ўзбекистон номи бутун дунёга танилди. Бунга хоҳ иқтисодий, хоҳ ижтимоий-сиёсий, хоҳ маънавий соҳада бўлсин бугун истаганча мисол топа оласиз. Инчунун, "Маънавият" сўзи, тушунчаси юксак қадр ва аҳамиятга эга бўлди.***

Зеро, буни Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари қисқа муддат ичида жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилингани, китобда кўтарилган ғоя ва фикрлар бошқа миллат ва юрт фуқаролари учун ҳам ғоятда муҳим ва аҳамиятли эканлиги ҳам яққол намоён этмоқда. Ўзбекистонда миллат маънавиятини юксалтириш давлатимизнинг устувор йўналишдаги мақсад ва вазифаларидан бирига айланди.

Наманганнинг хушманзара Чодак қишлоғида туғилиб, истиқлолнинг биринчи йилида биринчи синфга борган, мустақиллик, озодлик тушунчаларини эшитиб улғайган ва уни чин юракдан ҳис қилган Мардон Аслонов бугун ўз тақдиридан, ҳаётидан мамнун.

8-бет

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎзМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

***Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда.***

**Ислом КАРИМОВ**

## МАҲАЛЛА — БЕҚИЁС МИЛЛИЙ ИНСТИТУТ

***Ҳадемай мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган мустақил тараққиёт йўлини танлаганлигининг йигирма йиллигини нишонлаймиз. Ўтган йиллар давомида кўҳна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Шу билан бирга мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган беш тамойил амалий синовлардан муваффақиятли ўтди ва халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.***

Муҳтарам Юртбошимизнинг ўтган йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида истиқлол йилларида эришган ютуқлар сарҳисоби асосида келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган устувор вазифаларнинг энг муҳим йўналишлари ҳақида батафсил фикр билдирилиб, қатор таклифлар ўртага ташланди.

2-бет

● ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

## ЎЗАРО КУРАШ, БАҲС ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ

**ПАРТИЯЛАР ЎРТАСИДА ҒОЯЛАР КУРАШИ ҲАМОН ЭНГ ЗАИФ ЖИҲАТЛАРИМИЗДАН БИРИДИР**

***Бугун юртимизда демократик ислоҳотлар ва янгиланишлар чуқурлашиб бораётган бир шароитда сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро кураш ва соғлом рақобат ҳам кучайиб бормоқда.***

**Шу боис бўлса керак, партиялар ўртасидаги ўзаро кураш майда гина-кудуратлар даражасидан нарига ўтмаяпти.**

**Ҳар қандай ўзаро кураш, баҳс-мунозара биринчи навбатда жамият ва халқимиз манфаатларидан келиб чиқиши лозим.**

3-бет

● МУЛОҚОТ

## ДЕБАТ КЛУБИ

**ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА**

***Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" маркази ўтган вақт мобайнида ўзининг мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз таълим муассасаларида қатор тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.***

Биргина "Ижтимоий-сиёсий фаолликни ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш" бўлими томонидан бир қанча лойиҳалар амалга ошириб келинаяпти. Шундай лойиҳалардан бири "Мунозара" дебат клуби фаолиятининг йўлга қўйилганлиги ёшларнинг теран мушоҳада юритувчи, маънан етук, сиёсий жиҳатдан фаол шахс бўлиб етишишларига туртки бўлади.

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎзМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

## МАҲАЛЛА — БЕҚИЁС МИЛЛИЙ ИНСТИТУТ

(Давоми. Боши 1-бетда)



Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган Концепциянинг ҳаётга жорий этилиши фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, ўзини-ўзи бошқариш органларининг жойларда ижтимоий дастурларни бажаришдаги ҳамда давлат ва жамият қурилишига оид муҳим аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишдаги фаол иштирокини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Маълумки, истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла миллий демократик институт сифатида янги уйғониш даврини бошдан кечирди. Бугунги кунда фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, улар манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири, аҳамияти тобора ортиб бораётир. Фуқаролар аҳволидан доимо хабардор бўлган, ижтимоий ва маънавий кўмак берадиган энг ноёб ва қадимий тузилма ҳам айнан маҳалла экани барчамизга аён. Бир сўз билан айтганда, маҳалла халқимизнинг азалий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган муқаддас гўшага айланди. Шу боис давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепцияда маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, "Маҳалла" институтининг нуфузи ошиши, ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимининг Конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилиши жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунга келиб, давлат ҳокимияти органларининг қатор ваколат ва вазифалари, жумладан, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишлари, одамларни иш билан таъминлашни ташкил этишда фаол иштирок этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш орқали аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш каби ваколатлар маҳаллаларга берилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳаллий бошқарувнинг бу усулда, демократия тамойиллари асосида шакллантирилиши ўз самарасини бермоқда. Буни жойларда фуқаролар ишончини қозонаётган оқсоқоллар фаолияти ва эришилаётган натижалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги шиддаткор замонда юртимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳалланинг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи зарурият қилиб қўймоқда. Зеро, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда ҳам "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда", дея эътироф этилган.

Дарҳақиқат, маҳалла институтини замонавий босқичда ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ушбу институт мавқеини оширишнинг омилларидан ҳисобланган фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловидир. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлигини, бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу эса маҳалла тизимида янги давр бошланаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, ушбу дастурий ҳужжатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Ўзбекистонда жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Шу ўринда, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси сайловолди Платформасида белгилаганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳоли томонидан эъзозланаётган ижтимоий қадриятлар ҳаётда ўзининг реал ифодасини топиши учун курашар экан беқиёс миллий институт — маҳалла фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қонунларни қабул қилишда фаол ҳаракат қилишни ўзининг долзарб вазифаси деб билишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ўтмиши олис мозийга бориб тақалувчи миллий ва маънавий қадриятларни мужассамлаштирган маҳалла институти фуқароларни бунёдкорлик ишларида фаол бўлишга ундайди. Бу эса ҳар бир маҳалла фуқаросидан эл-юрт манфаати, она-Ватан равнақи ва келажагига дахлдорлик туйғуси билан яшашни талаб этади.

**Қ.ОДИЛОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

*Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан "ЎзМТДП фаолиятини янада кучайтиришда хотин-қизларнинг ўрни ва роли" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, ҳудудий партия ташкилотларининг "Аёллар қаноти" раҳбарлари ва вилоят Кенгашлари Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

● ЎҚУВ-СЕМИНАР

*Ёшлар ва хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишига кўмаклашиш ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан биридир.*

**(ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастуридан)**



## ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЕТУКЛИК

### ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР



Таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси қошидаги "Аёллар қаноти" ҳам партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жамиятимизда аёлларнинг мавқеини ошириш, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, улар онгига миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат каби эзгу туйғуларни сингдиришга кўмаклашиб келмоқда.

—Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида илгари сурилган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ этишда сиёсий партиялар, хусусан, ЎзМТДП сафидаги хотин-қизлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклади, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Умарова. — Шу нуқтаи назардан бугунги ўқув-семинар партия "Аёллар қаноти" фаолларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билими, маънавий салоҳиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилди. Қолаверса, Концепциядан келиб чиққан ҳолда келгусида қилиниши зарур бўлган вазифаларимиз режаси, мазмун-моҳияти атрофлича ўрганиб чиқилди.

Икки кун давом этган ўқув-семинарда "Миллий тикланиш ва тараққиёт ғоясини амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни", "Партия кадрлари захирасини шакллантиришда "Аёллар қаноти"нинг вазифалари", "Партиявий тадбирлар ташкил қилишнинг замонавий усуллари", "Хотин-қизларда етакчилик хусусиятларини шакллантиришнинг психологик омиллари"каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

Иштирокчилар ЎзМТДПнинг хотин-қизлар фаолиятига қаратилган дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан аниқ таклиф, тадбирлар режаси, дастурлар ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлашга кўмаклашиш борасида партиянинг ўзига хос услубини ишлаб чиқиш юзасидан билим ва кўникмаларга эга бўлди.

Семинар доирасида маданий дастур намойиш қилиниб, қатнашчиларга ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг сертификатлари топширилди.

**Гулчеҳра ШАРИПОВА, ЎзМТДП Бухоро вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси хотин-қизлар фаоллигини ошириш бўйича етакчи мутахассиси:**

— Партия сафини зукко, билимли, ташаббускор ва илғор хотин-қизлар билан кенгайтиришда маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тадбирлар ўтказишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда эркин қўллаш бугунги ўқув-семинарнинг асосий мақсадларидан бири бўлди. Шунингдек, семинар партия ғоя ва мақсадларини тарғиб-ташвиқ этишда янги лойиҳалар ва ишланмаларни тайёрлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдира олиш кўникмасини ҳосил қилиш имконини берди.

**Зинура МУРОДОВА, ЎзМТДП Навоий вилояти Кенгаши "Аёллар қаноти" фаоли:**

— Сиёсий шарҳловчилар, профессор-ўқитувчилар ва нуфузли депутатларимиздан олган сабоқларимиз келгуси фаолиятимизда ёрдам беради, деб ўйлайман. Шунингдек, тажрибали сафдошларимизнинг намунавий иш тажрибалари билан ўртоқлашиш ва уларни ўрганиш имконияти яратилганлиги эса ўз ҳудудларимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашишда қўл келиши шубҳасиз.

**Эргаш ХЎЖАЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



*Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.*

● БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

## ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК

### ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

***Мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрни ортиб бормоқда. Бу эса улардан янада фаоллик, ташаббус, саъй-ҳаракат ҳамда ҳар бир бўғин фаоллигини кучайтиришни тақозо этади. Зеро, сиёсий партияларнинг демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда демократик қоидалар асосида фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асос яратилган.***

Албатта, бугунги сиёсий жараёнларга кишиларни жалб этиш, жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини оширишда жамоатчиликка энг яқин бўлган бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Боиси, бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир сиёсий партия каби ЎзМТДПнинг ҳам жойлардаги асосий таянчи ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, БПТлар партия электорати билан бевосита иш олиб боради, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолардан яхши хабардор бўлади.

Шу боис ЎзМТДП жамиятда мустаҳкам мавқега эга бўлиш, кенг жамоатчиликнинг ишончи ва эътиборини қозониш ҳамда ўз хайрихоҳлари сафини янада кенгайтириш мақсадида БПТлар фаолиятига жиддий эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда янги БПТлар тузилиб, мавжуд ташкилотлар фаолияти шакллантирилмоқда.

Ўтган йили ЎзМТДП Косонсой туман Кенгаши қошида ташкил этилган, таркибида 20 нафардан ортиқ аъзоси бўлган бошланғич партия ташкилоти мунтазам равишда турли ижтимоий, маънавий ва рағбатлантириш тадбирларини ташкил этиб келади. БПТ аъзоларининг асосий қисмини партиямиз электорати бўлган ҳунармандлар, мураббийлар, ишчи-хизматчилар, фаол ёшлар ҳамда ҳудуд аҳолиси ташкил этади.

—Ташкилотимиз ЎзМТДП мақсад ва вазифалари, сиёсий соҳадаги фаолияти, депутатлар томонидан кўрсатилаётган ташаббусларни кенг жамоатчиликка етказишга алоҳида эътибор қаратмоқда, - дейди БПТ раҳбари Иброҳимжон Аҳмадалиев. — Хусусан, БПТ томонидан ўтган вақт мобайнида қатор тадбир, учрашув, маънавий-маърифий йиғинлар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, келажагимиз эгаларининг жисмонан бақувват бўлиб вояга етиши айниқса, хотин-қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида партиянинг Косонсой туман Кенгаши билан ҳамкорликда спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

БПТ аъзолари томонидан Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзуидаги маърузасини ўрганиш, унда белгиланган ғоя ва йўналишлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш мақсадида қатор учрашув ва ўқувлар ўтказилмоқда. Хусусан, ҳафтада бир соатлик Концепцияни ўрганишга бағишланган ўқишлар БПТ аъзоларининг сиёсий онгини юксалтириш ва ушбу жараёнлардаги фаоллигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, бошланғич партия ташкилоти томонидан партия дастурий мақсадлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги ёшларни аждодлардан мерос қадриятларимиз, миллий ҳунармандчиликнинг зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги каби соҳаларига жалб этиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, бугунги кунда 100 нафардан ортиқ ёшлар айнан БПТ ташаббуси билан ташкил этилган тўгаракларда ҳунар ўрганишмоқда. Эътиборлиси, БПТнинг фаол аъзолари Замира Манбетова ва Дилрабо Эрматова каби ёшлар ЎзМТДП Дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоялаш ва партия ғоясини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этмоқда.

Дарҳақиқат, қай бир сиёсий партия жамият ва халқ олдида ўзини кўрсатиш, янги-янги қонун лойиҳалари, ташаббуслар билан чиқишга интилса ҳамда сиёсий жараёнларда фаоллик кўрсатса, унинг аъзолари ва хайрихоҳлари сони ортиб бораверади. Бу борада эса партиянинг қуйи тизими ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар кўлами алоҳида аҳамиятга эга.

**Баҳодир МЎМИНОВ,**
**ЎзМТДП Наманган вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси матбуот котиби**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● БЕЛЛАШУВ

## “ИФТИХОР”

### КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ



*Қуйи Чирчиқ туманида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ёшлар масалалари бўлими ташаббуси билан ҳудудий партия ташкилотлари “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари ўртасида “Мустақилликка 20 йил: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ёшлар нигоҳида” мавзусидаги кўрик-танловнинг минтақавий босқичи ўтказилди. Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг “Ёшлар қаноти” етакчилари иштирок этди.*

Тадбирни очган ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари вазифасини бажарувчи Б.Абдураҳмонов бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор ва имкониятларга кенг тўхталди.

Кўрик-танловда ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши “Ёшлар қаноти” қошидаги «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби аъзоларидан иборат “Ифтихор”, Тошкент шаҳрининг “Истиқлол ниҳоллари”, Сирдарё вилоятининг “Сайҳун” ҳамда Жиззах вилоятининг “Уструшона” жамоалари ўзаро беллашди.

Танлов низомига кўра, биринчи шартда иштирокчилар ўзларининг чиқишлари орқали жамоаларининг номи, шиорлари ҳамда ғоя ва мақсадларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЎзМТДП Устав ва Дастуридан фойдаланган ҳолда сиёсий қарашларини ифода этишди. Иккинчи шартда жамоалар 12 та сиёсий-ҳуқуқий саволга белгиланган вақт ичида ёзма жавоб беришди. Қизғин тарзда ўтган савол ва жавоблардан кейин “Миллатнинг ўзлиги миллийлик билан” деб номланган учинчи шартда жамоалар ҳудудларнинг ўзига хос бўлган миллий анъана ва урф-одатларини намойиш этишди.

Танлов якунида барча шартларни аъло даражада бажарган ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клубининг “Ифтихор” жамоаси ғолиб деб топилди ва кўрик-танловнинг Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Ғолиблар ЎзМТДП Марказий Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Баҳодир ХОЛМАТОВ,**
**ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси матбуот котиби**

● ТАДБИР

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг қонунлар қабул қилиш, жамият ва халқ равнақи йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий асос яратилди. Эндиликда улар ана шу қонунлар доирасида ҳаракат қилиб, ўз электоратини юртимизда ва дунёда кечаётган ўзгаришлардан хабардор қилиши, уларни ўйлантираётган масалаларни қонунлар орқали бартараф этиши, яъни манфаатларини ҳимоя қилиши талаб этилади. Бунда, айниқса, юксак сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлган кадрларга эҳтиёж сезилади.*

## ЯНГИЧА ИШЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Маълумки, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштириш, ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини ошириш, жаҳонда шиддат билан кечаётган сиёсий-мафкуравий жараёнлар мазмун-моҳияти, партия мафкураси ва ғоясини аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқ этишнинг янгича усул ҳамда ёндашувларини жорий қилиш мақсадида жойларда мунтазам ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан Бухорода ўтказилган “Миллий тикланиш ғояси ва мафкураси: уни ҳозирги замон талаби асосида янгича қарашлар билан бойитиш ва шакллантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги ўқув-семинар ҳам ана шундай мақсадлар рўёбига қаратилди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Турсунов “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятида дастуриламалдир” мавзусида маъруза қилди. Нотиқ Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишлар, ЎзМТДП олдидаги асосий мақсад ва вазифаларга тўхталди. Жумладан, давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепцияга мувофиқ партиянинг мафкуравий ва маънавий-маърифий йўналишдаги фаолиятини янада жонлантириш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш масалаларига эътибор қаратди. Бундан ташқари, партия раҳбари ЎзМТДП Бухоро вилояти Кенгаши фаолиятини атрофлича таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларга тезда барҳам бериш зарурлигини таъкидлади.

ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари А.Эшмуродов партия сайловолди Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда ҳудудий ташкилотлар ва партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Йиғилишда бу каби илмий-амалий семинарларни ҳудудий ташкилотларда мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

● 168 СОАТ: ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР

### ПАРТИЯ МАҚСАД ВА ҒОЯЛАРИГА МУШТАРАК

#### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Миробод туман Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан” шиори остида “Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши девони ходимлари, “Маҳалла” хайрия жамғармаси туман бўлими, тумандаги “Матонат” ва “Янги Қўйлиқ” маҳалла фуқаро йиғинлари фаоллари, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ж.Умаров истиқлол йилларида барча соҳаларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилганлиги, жумладан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодиёт, таълим, маданият, спорт ҳамда суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ этилаётгани, юртимизда ўлим жазоси бекор қилингани, қамоққа олиш санкцияси судларга ўтказилгани бунинг ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлади.

Давра суҳбатида иштирокчилар партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли онгига миллий мафкурамиз, истиқлол ва миллий тикланиш ғоясини сингдириш, ёшларни Ватанпарварлик руҳида комил инсонлар қилиб тарбиялашга кўмаклашиш лозимлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

#### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Ана шу ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан жойларда мунтазам турли тадбирлар ташкил этилмоқда. ЎзМТДП Оҳангарон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” мавзуидаги тадбир ҳам ана шундай мақсадга қаратилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши “Ёшлар қаноти” фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, “Маҳалла” хайрия жамғармаси туман бўлими ва “Телов” ҚФЙ фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири эканлигига эътибор қаратдилар. Шунингдек, яқинлашиб келаётган мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёналарига муносиб тайёргарлик кўриш, ўтказилаётган тадбирлар сифати ҳамда самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

#### СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Жарқўрғон туман Кенгаши томонидан “Партия фаолияти ва ғояларини жамоатчиликка етказишда партия нашрининг ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши девони ходимлари, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, партия “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув жараёнда тезкор, аниқ ва холис ахборотни етказиш, уни “ахборот хуруж”ларидан асраш, ёшлар онгига ОАВ воситалари орқали кириб келаётган турли ёт иллатларнинг олдини олишда миллий матбуот ва телерадио беқиёс ўрин тутади. Шу билан бирга ижтимоий-сиёсий жараёнларни, партия фаолиятининг ижобий ҳамда салбий жиҳатларини кенг оммага холис ва тезкор тарзда етказиш партия нашрининг асосий вазифалари сирасига киради.

Тадбирда иштирокчилар партия нашри — “Миллий тикланиш” газетаси ва унинг Web сайти ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

#### БУХОРО

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёналари тобора яқинлашаётган бир вақтда республикамизнинг барча ҳудудларида унга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш ишлари қизғин тусга кирмоқда. Буни шу кунларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ташкил этилаётган турли тадбирлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

ЎзМТДП Конимех туман Кенгаши томонидан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Сен азиз ва муқаддассан мустақил Ватан” мавзусидаги тадбир ҳам ана шундай мақсадга қаратилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши девони ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, “Ёш сиёсатчилар” клуби аъзолари, “Маҳалла” хайрия жамғармаси туман бўлими раҳбарияти, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилиш иштирокчилари юртимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан ташкил этилаётган тадбирлар сифати ва савиясини ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, улар онгига она Ватан муқаддаслиги ҳамда улуғ аждодларимиз хотирасига ҳурмат туйғуларини сингдиришга кўмаклашиш лозимлигини таъкидладилар.

#### ҚАШҚАДАРЁ

Яккабоғ туманида ЎзМТДП Қарши шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб “Қувончингдан олам шодликка тўлсин” мавзусида маданият ва спорт тадбири ўтказилди. Унда ЎзМТДП Қарши шаҳар Кенгаши девони ходимлари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатлари, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси мутахассислари, вилоят касаба уюшмаси, вилоят халқ ижодиёти илмий методик маркази ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ёзги оромгоҳларда дам олаётган болаларга миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизнинг мазмун-моҳияти янада чуқурроқ тушунтирилди,бир қанча миллий спорт турлари бўйича гуруҳлараро мусобақалар ташкил этилди. Тадбирда фаол иштирок этган ёшларга партия томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир доирасида байрам концерти намойиш этилди.

*Ўз мухбиримиз*

(Давоми. Боши 1-бетда)

● ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ

## ЎЗАРО КУРАШ, БАҲС ЖАМИЯТ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ

### ПАРТИЯЛАР ЎРТАСИДА ҒОЯЛАР КУРАШИ ҲАМОН ЭНГ ЗАИФ ЖИҲАТЛАРИМИЗДАН БИРИДИР

Хусусан, ўз ғоя ва мақсадларини кенг омма орасига чуқурроқ кириб боришига интилаётган сиёсий кучлар ўз электорати, хайрихоҳлари сафини янада кенгайтиришга ҳамда шу аснода жамият ҳаётидан мустаҳкам жой олишга ҳаракат қилишмоқда. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларга яратилган ҳуқуқий, иқтисодий имкониятлар ҳар бир партия ўз фаолиятини тубдан кучайтиришини талаб этади.

Бугун кечаги кун ўлчовлари, мезонлари ва талаблари билан яшаб бўлмайди. Ислоҳотлар жараёни, воқеалар ривожи, замон шиддати олдимизга янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Хўш, юрт ва халқ манфаатларига сиёсий куч сифатида нечоғлик хизмат қилмоқдамиз? Фаолиятимизнинг, ишимизнинг бугунги аҳволи, даражаси, кўлами замон талабларига жавоб берадими?

ЎзМТДП мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бошқа сиёсий партиялар ҳақида танқидий фикр билдирар экан, энг аввало айни шу соҳада ўзимиз нима иш қилдик, қандай фаолият олиб бораяпмиз, деган саволларни ўз олдига қўяди. Биринчи навбатда ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилади. Аниқ фактлар ва рақамларга таянмасдан қуруқ танқид қилиш партиямизга ёт хусусиятдир.

Ўтган бир йил мобайнида партиялар матбуот нашрларида чоп этилган ва этилаётган танқидий мақолаларни таҳлил қилар эканмиз — танқидни тан олмаслик ва уни ҳар қандай йўл билан инкор этиш тенденцияси чуқур илдиз отганлигига гувоҳ бўлдик. Амалиётда шу нарсаларни ҳам кўрдикки, масалан, бирорта партияга фалон туман Кенгашингизда бор йўғи бир нафар депутатингиз мавжуд, шу боис бу ерда депутатлик гуруҳи туза олмагансиз, деган аниқ факт ва рақамлар билан билдирилган танқидий фикр билдирсангиз, танқид қилинган томон бу аниқ фактни “уйдирма”, “ёлғон”, “туҳмат” деб баҳоламоқда. Ваҳоланки, ишимизни яхшилаш, фаолиятимизни янада кучайтириш учун энг аввало тўғри танқидни тан олиб, ундан керакли хулосалар чиқариш ҳар бир партия учун ниҳоятда зарурдир. Афсуски, ўтган бир йил давомида эълон қилинган мақолалар таҳлили бирорта партия ўзига нисбатан билдирилган танқидни тан олмаганлигини кўрсатмоқда. Тўғри, чоп этилаётган мақолаларда асоссиз даъво-дашномлар, ўз тасдиғини топмаган фактлар, малакасиз мулоҳазалар бот-бот учраб туради. Ачинарлиси, номигагина ёзилган, жамият манфаатларидан йироқ, беҳуда икир-чикирлардан иборат майда ғаразлар кўпайиб қолганлиги анчайин ташвишлидир.

Сиёсий партияларни бир-биридан ажратиб, керак бўлса уларни ўзига хос қиёфасини белгилаб турган нарса уларнинг ғояси, мафкураси ва дастурий мақсадларидир. Бу санoққа партияларнинг электорати, яъни ижтимоий қатламини ҳам қўшиш мумкин. Бироқ партиялар ўртасида ғоялар кураши ҳамон энг заиф жиҳатларимиздан биридир. Кейинги йилларда сиёсий партиялар томонидан ўз электорати доирасини белгилаш, ғоявий йўналишини аниқлаб олиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Лекин, бу борада ҳали чуқур сифат ўзгаришларга эришилгани йўқ. Шу боис бўлса керак, партиялар ўртасидаги ўзаро кураш майда гина-кудуратлар даражасидан нарига ўтмаяпти.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай ўзаро кураш, баҳс-мунозара биринчи навбатда жамият ва халқимиз манфаатларидан келиб чиқиши лозим. Юртимизда Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига қаратилган кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада салмоқли ютуқларга эришаяпмиз. Шу билан бир қаторда айрим жойларда маҳаллий раҳбарларнинг айби ва бепарволиги туфайли бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Мазкур масалаларни ҳал қилишда партия депутатлик гуруҳлари ва ташкилотлари ҳалиҳамон ожизлик қилишмоқда. Ҳокимликлар билан “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилида иш юритишмоқда. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари партиялар электорати манфаатига қаратилган масалаларни ҳокимлар олдига қўйиш, унинг ижросини депутатлик назоратига олишда заифлик қилмоқдалар. Жойларда учраётган муаммолардан бири тадбиркорлар ва ишбилармонлар йўлига тўсиқ бўлаётган бюрократик дахмазалар, уларни ўз вақтида банклардан ўз пулларини ололмаётганлари, айрим раҳбарларнинг одамларнинг муаммоларига бепарволиги ва беписандлиги, баъзи ҳокимликларнинг ишбилармонларга зўравонлик ҳамда ноқонуний муносабатда бўлиши, жойларда мамлакат тараққиётига мутлақо хизмат қилмайдиган мажлисбозликлар авж олаётганини айтиш мумкин. Хўш, нима сабабдан сиёсий партиялар мазкур муаммоларга ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, ўз муносабатини билдирмаяпти?

**Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари партиялар электорати манфаатига қаратилган масалаларни ҳокимлар олдига қўйиш, уни ижросини депутатлик назоратига олишда заифлик қилмоқдалар.**

Хуллас, сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро кураш, баҳс-мунозара майда-чуйда гина-кудуратлар эмас, жамиятимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига тўсиқ бўлаётган иллатларни фош қилиш, керак бўлса уларни ҳал қилиш юзасидан муқобил дастур ва лойиҳалар белгилаш устида бориши лозим. Чунки халқ ва Ватан манфаати ҳар нарсадан устун.

**Санжар ЭЛБЕКОВ,**
**ЎзМТДП аъзоси**

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

## ҚИЙИҚЧАГА ТУГИЛГАН ТУПРОҚ

***Ёшлик чоғларимизда оилада ота-онамиз, мактабда устозларимиз Ватан ягоналиги, муқаддаслиги ҳақида кўп гапиришган. Падари бузрукворим Абдуқодир ота. "Ҳар бир инсон учун бу дунёда энг оғир ва кечирилмас гуноҳ — ўз Ватанига нонкўрлик қилиш, Ватанни сотиш ва унга хиёнат қилишдир", деб кўп бора таъкидлаганлар.***

Она Ватанимиз мустақил бўлган куни падари бузрукворимиз барчамизни йиғиб, ўзлари ош дамладилар. Умрлари давомида ҳаётнинг аччиқ зарбаларини кўп кўрган валинеъматимиз ниҳоятда мамнун эдилар. Ўша куни мен отам учун Ватан нақадар азиз ва муқаддас эканлигини тушундим.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон фуқароси сифатида 2001 йили Бирлашган Араб амирликларига саёҳатга бордим. Кетишим олдидан онажоним дуо қилдилар, отамдан ёдгор қийиқчага Она заминимиз тупроғимдан бир сиқим солиб тугдилар, "қийиқчани белингга маҳкам боғлаб юргин", деб насиҳат қилдилар. Ўзим хонадонимиз сувидан бир идишга қуйиб олдим. Ватаннинг бу икки омонати сафар мобайнида доимий ҳамроҳим бўлди. Жазирама иссиқда ўша мамлакат сувидан ҳам қанчалик ичмайин, чанқоғим босилмасди. Шундай пайтда Она Ватаним сувидан бир ҳўплам ичиб олардим. Бу тафтимни босиб, толиққан жуссамга куч бераётганини, қийиқдаги Ватаним тупроғи эса белимга қувват бағишлаётганини ҳис этардим, чарчоқларим унутилгандай бўларди.

Бундай дақиқаларни юрагидан ўтказмаган одам бу сўзларимга балки ишонмас. Хорижда юртимни, яқинларимни соғинганимда ана шу бир сиқим тупроғу икки қултум сувни қўлимга олиб дардлашгим келарди.

Сафаримиз ниҳоясига етиб, аэропортга келганимизда, ёнимда олиб юрган сувнинг охирги қултумини ичдим. Хориж божхона хизматидан ўтаётганимда унинг ходимлари, белимга боғланган қийиқчага, тўғрироғи унинг ичидаги тупроққа шубҳаланиб қарашди, текшириб кўришларини айтишди. Қийиқчани ечиб бердим. Улар қийиқчадаги нарса оддий тупроқ эканлигига ишонч ҳосил қилгач, таажжуб билан бир-бирларига қарашди. Тил биладиган ходимларини чақиртиришди. Тилмочнинг биринчи гапи:

— Бу бизнинг Ватанимиз тупроғими? - деб сўраш бўлди.

Мен унга "йўқ" деб жавоб бердим. Тилмоч:

— Нима учун бу тупроқни кўтариб юрибсиз? - деб савол берди.

Мен унга:

— Бу она Ватаним — Ўзбекистон тупроғи, у мен учун муқаддас, - дедим.

Сўнг тарихчи сифатида уларга буюк аждодларимиз ҳақида гапириб бердим ва қийиқчадаги тупроқни кўзимга тўтиё қилиб, уларга узатдим. Шунда уларнинг кўзларида ҳайрат сездим. Улар бирма-бир она Ватаним тупроғини қўлларига олиб, ҳидлаб, ушлаб кўришди. Сўнг самимий табассум билан ўз тилларида нималардир дейишди, менга оқ йўл тилашди. Уларнинг бу ҳурмати буюк аждодларимизга, она Ватанимизга, меҳри дарё халқимизга, барча ватандошларимга билдирилган эҳтиром эди. Бундан ортиқ бахт борми дунёда!

Озод ва обод Ватанимиз — Ўзбекистонимиз мустақиллигига 20 йил тўлмоқда. Меҳнат, машаққат, яхши ва ёмон кунларни бошимиздан кечирган, асрларга тенг кела оладиган 20 йил! Меҳри дарё, қалби қуёш халқимизнинг, муҳтарам Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли юртимизда осойишталик барқарорлик топган йиллар! Келажакка умид билан, тинчлик билан, хотиржамлик, тўкин-сочинлик билан қадам қўйилган йиллар.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, ҳар биримиз учун фахр ва ғурур, тинчлик-осойишталик ҳамда барқарорлик тимсолига айланган гўзал ва бетакрор диёримизда бугун кўтаринки кайфият ҳукмрон.

Истиқлол бизга нафақат эркинлик инъом этди, балки дунёни теран англаш, воқеа-ҳодисаларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан талқин этиш, миллат ва юрт дарди билан яшаш сабоғини ҳам ўргатди. Юртбошимиз айтганларидек, "биз қандайдир бечора, кимларнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз, биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуғ халқмиз".

Ўзини Ўзбекистон фарзанди деб билган, она Ватанимизни чин дилдан севган ҳар бир ватандошимиз ана шу гапларни, эзгу-ниятларни ўз қалбига муҳрлаб, келажак авлодларимиз қалбига жойлаштириб, шу мақсадни амалга оширишга жону жаҳонини бағишламоқда, ўз фарзандлик ва фуқаролик бурчларини муносиб равишда бажармоқда.

**Орифжон НОРТЎРАЕВ,**
**халқ депутатлари Янгийўл туман Кенгаши депутати,**
**ЎзМТДП Тошкент вилояти Кенгаши аъзоси**

ЁЗГИ ТАЪТИЛ







МАРОСИМ

***Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорлигида "Ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури" ҳамда "Ижтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари" лойиҳаларининг якуний тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда лойиҳанинг иштирокчи ва ғолиблари, давлат идоралари, вазирликлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, ҳомий ва ҳамкорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.***

## ЛОЙИҲА САМАРАЛИ ЯКУНЛАНДИ

### ЎНТА ОБЪЕКТДА ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАР ВА ШАМОЛ ГЕНЕРАТОРЛАРИ ЁРДАМИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ЯРАТИЛДИ

"Ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури" 2010 йилдан буён ўтказилиб келинмоқда. Дастур вилоятлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг таълим, соғликни сақлаш, инфратузилма, экология, маданий ва миллий анъаналарни сақлаб қолиш, бошқа ижтимоий муҳим йўналишлардаги муаммоларни ҳал этиш бўйича таклиф ва ташаббусларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Республика бўйича топширилган 84 та аризадан энг яхши 25 таси ҳаётга татбиқ этишга лойиқ деб топилди. Лойиҳалар асосан вилоятлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг институционал ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ечиш, имконияти чекланганларни қўллаб-қувватлаш, таълимий курслар ўтказиш ва иш билан таъминлаш йўли билан кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш, чекка қишлоқларда туғиш ёшидаги аёлларда онкологик касалликларни профилактика қилиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш масалаларига бағишланган.

2010 йил охирида "Ижтимоий соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари" лойиҳаси йўлга қўйилган эди. Мазкур хайрия лойиҳаси қуёш ва шамол энергияси асосида ишловчи фермер хўжаликлари ҳамда бошқа кичик ижтимоий объектларда модуль тизимларини ўрнатиш орқали муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенг жорий этишга қаратилган.

Ўтган йили декабрь ойида Экспертлар кенгаши томонидан 30 та ижтимоий объектдан шамол энергетикаси ва қуёшли батарейкалар ўрнатиш учун 10 та объект танлаб олинганди. Шу йилнинг май ойида эса мазкур 10 объектда қуёш батареялари ва шамол генераторлари ўрнатиш ишлари тугалланди. Электр энергиясини жамлаш тизимига эга қуёшли фотоэлектрик мажмуалар ҳамда қуёш коллекторига эга иссиқ сув тизими кичик объектларни қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланган ҳолда электр билан таъминлашнинг ниҳоятда самарали эканини исботлади.

Ўрнатилган муқобил энергия манбалари орқали қишлоқ тиббиёт пунктлари электр энергияси билан таъминланди. Нукус шаҳар касалхонасининг даволаш корпусига санитар-хўжалик заруриятлари учун иссиқ сув берилди. Гиламдўзлик цехида ўрнатилган қуёшли сув иситгичлар тизими табиий бўёқлар ёрдамида маҳсулотларга ранг бериш технологияси самарасини оширди...

Тадбирда қилинган ишлар юзасидан тайёрланган махсус ролик ҳавола этилди. Ғолиблар тақдирланди, севимли санъаткорларнинг куй-қўшиқлари эса иштирокчиларга хуш кайфият бағишлади.

**Адибахон ҒАЙРАТ қизи,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

МУЛОҚОТ

## ДЕБАТ КЛУБИ

### ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Ушбу клубнинг асосий мақсади талаба-ёшларда ватанпарварлик ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ўртага қўйилган муаммога атрофлича ёндаша олиш, ўз фикрларини аниқ баён қилиш ва асослаш малакасини шакллантириш, танқидий фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборатдир. Шу маънода марказда ҳар ҳафта талабалар иштирокида турли мавзулар борасида дебатлар уюштириб келинмоқда.

— "Мунозара"га қўйилган мавзуга қараб тегишли соҳа вакиллари, мутахассис экспертлар таклиф қилинади. Улар иштирокида ўтказилган баҳслар янада қизиқарли, жонли тарзда бўлади. Масалан, сиёсий-ҳуқуқий мавзулардаги дебатларимизда депутатларни таклиф қиламиз. Хусусан, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Жаҳонгир Бобоевнинг ташрифи иштирокчи талабаларимиз қизиқишини орттирди. "Мунозара" клубида дебатлардан ташқари ўқув машғулотлари ва семинар-тренинглар ҳам ташкил қилинган бўлиб, клубга аъзо талабалар режавий дарслар асосида бевосита ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий билимларини оширадилар ҳамда шу аснода баҳс-мунозараларга тайёргарлик кўришади. "Мунозара" дебатларидаги иштироким туфайли фаоллигим, нотиқлигим, сиёсий-ҳуқуқий билимларим анча юксалди, - дейди клубнинг фаол аъзоларидан бири, ЎзМУ талабаси Умиджон Абдуллаев. — Турли соҳаларга оид мавзулар борасида фикр-мулоҳаза юритиб, ўз билимимни ошириш билан биргаликда танқидий фикрлашни, тезкорлик билан жавоб беришни, асосли мулоҳаза юритишни, баҳс мобайнида рақибимни ҳурмат қилишни ўргандим.

**Саодат САПАРАЛИЕВА, иштирокчи талаба:**

— Дебат баҳслари давомида менда нотиқлик хусусиятлари шаклланди. Маълумки, нотиқ ўз фикрларининг асосли бўлиши учун кўп нарсани билиши керак бўлади. Шу маънода мунозараларда фаол иштирок этишим кўп китоб ўқишимни, тинимсиз изланишимни, янги-янги маълумотлару кундалик нашрлар билан танишиб боришимни тақозо қилади. Бу, албатта, сиёсий-ҳуқуқий билимларимнинг ошишига асос бўлмоқда.

Дарҳақиқат, дебат клуби ёшларда сиёсий фаолликни ошириб, нотиқлик, лидерлик сифатларини шакллантиради. Мунозара баҳсларига қўйилган мавзулар талаба-ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг аҳамияти, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, ислоҳотлар кўлами, халқимизнинг бой тарихий, илмий, маданий меросини теран англашга қаратилган кенг кўламдаги мавзуларни қамраб олади. Бу каби мавзулар борасидаги баҳс-мунозаралар ёшларнинг маънавий баркамоллигига хизмат қилади. Мунозара дебат клублари кенгаши раиси Азизбек Нишонов биз билан суҳбатда клубнинг вазифалари ва келажакдаги режалари ҳақида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

— Баҳс-мунозара, савол-жавоб, самимий мулоқот ва эркин фикр алмашиш тарзида олиб бориладиган дебат-машғулотларимиз, аввало, талаба-ёшларда ташаббускорлик, ташкилотчилик, баҳсларга эркин кириша олиш кўникмасини, нотиқлик ва лидерлик хусусиятларини шакллантиради. Клуб фаолиятини мамлакатимиз таълим муассасалари миқёсида йўлга қўйиш режалаштирилган. Илк босқичда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Давлат молия институти ва Тошкент тиббиёт академиясида "Мунозара" дебат клуби фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг фаолиятлари бевосита марказ томонидан мувофиқлаштириб борилади. Бугунгача бу таълим масканларидаги клубларга элликдан ортиқ талабалар аъзо бўлиб, ҳафтасига 2 кун баҳс-мунозара ва машғулотлар ташкил қилинади. Қолаверса, "Маънавият ва маърифат" марказимизда олийгоҳлар жамоасининг ўзаро дебат-баҳслари ҳам ташкил қилиняпти. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириб, республика миқёсида анъанавий турнирлар ташкил қилиш ниятидамиз. "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва турли нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришни режалаштиряпмиз. Албатта, барча ҳаракатларимиз ёшларнинг баркамоллигига, маънан етук ва комил инсон бўлиб етишишларига, бой тарихимиз ва аждодлар меросидан фахр ҳиссини туядиган фидойи, ватанпарвар шахс бўлиб камол топишларига қаратилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, "Маънавият ва маърифат" маркази қошидаги "Мунозара" дебат клубининг серқирра фаолияти чин маънода навқирон авлод вакилларини шакллантиришда маърифий мактаб вазифасини ўташи шубҳасиздир.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТАЪЛИМ

## АСОСИЙ ЭЪТИБОР

### ЁШЛАР КАМОЛОТИ ВА БИЛИМ ОЛИШИГА ҚАРАТИЛГАН





***Юртимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини оширишда таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бугун муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Фарғонадаги мавжуд касб-ҳунар коллежлари орасида Қўқон автотранспорт касб-ҳунар коллежининг ўз ўрни бор, десак адашмаймиз. Ўқитувчи ва мураббийларнинг ўқитиш услуби, ўқувчилари ҳар томонлама етук, билимли ва тиришқоқлиги билан ажралиб туради. Мана бир неча йиллардан буён ушбу билим масканига фидойи, тиниб-тинчимас Аҳрор ака Турдалиев раҳбарлик қилиб келади. Коллежда ёшларга "Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш", "Автотранспортда ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш", "Автомобилларни йиғиш ва синаш" каби жами 6 йўналишда таълим-тарбия беришади. Ҳозирда 3068 нафар ўқувчига 185 нафар ўқитувчи ва муҳандис касб сирларини ўргатишмоқда. Бу йил коллежни 950 нафар ёшлар битириб, ўз мутахассислиги бўйича корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинади.

— Коллежимизда ёшларнинг таҳсил олиши учун яратилган имкониятлар ҳавас қилса арзигулик, - дейди биз билан суҳбатда директор А.Турдалиев. — Барча ўқув хоналари керакли жиҳозлар, техник воситалар билан таъминланган. Айниқса, "Дамас", "Нексия", "Отойўл" каби енгил машиналар, ўқув-синф хоналари, устахоналар, компьютер, маънавият ва маърифат хоналари ўқувчилар ихтиёрида. Бундан ташқари, фан ва спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Коллежнинг ахборот-ресурс марказида 12580 та керакли адабиёт ва дарсликлар мавжуд. Ана шу имкониятларга жавобан ўқувчиларимиз қўлга киритаётган ютуқлар ҳам салмоқли. Яқинда Термизда ўтказилган "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг кураш мусобақасида Алишер Рўзиев қатнашиб қайтди. Акмал Соҳибжамолов, Мўйдин Султонов, Муҳаммаджон Султоновлар бокс бўйича ўтказилган республика мусобақаларида иштирок этиб, юқори ўринларни олишга эришди. Ўқувчимиз Шоҳрух Холматов эса "Нефтчи" футбол клубида тўп суради. Бундай ютуқларимиз жуда кўп.

Аҳрорjон ака таълим-тарбия, раҳбарлик ишидан ортиб жамоатчилик юмушларида ҳам фаол. Шаҳарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларига жамоаси билан мунтазам иштирок этади. Шу билан бирга ЎзМТДПдан 22-Алишер Навоий сайлов округидан шаҳар кенгашига депутат этиб сайланган. Ўз ўрнида депутатлик фаолиятини ҳам сидқидилдан олиб бормоқда.

— Шаҳардаги 36-"Навоий", 43-"Навбаҳор", 64-"Саодат", 65-"Сунбула" маҳалла фуқаролар йиғинларида мунтазам учрашув ва тадбирлар ўтказиб турамиз. Ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида барча маҳалладошларимиз фаол қатнашмоқда. Коллежимизда яқинда "Вояга етмаганлар ўртасида диний экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш" мавзусида "Ёғ бозори", "Арзиктепа" МФЙ фаоллари ва ёшлари иштирокида катта тадбир ўтказдик. Унда партиямиз дастуридан келиб чиққан ҳолда ёшларимизни ёт ғоя ва мафкурадан асраш, маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш, ЎзМТДП Дастури ҳамда сайловолди платформасида илгари сурилган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига диққат-эътибор қаратилди, - дейди А.Турдалиев.

Шу билан бирга коллеж шаҳардаги "Саломатлик маркази", "Камолот" ЁИҲ, "Нуроний", "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ўтказилаётган тадбирларнинг барчасида ёшларнинг фаол иштироки йўлга қўйилган. Бу эса келажагимиз бўлган ёшларнинг ҳар жиҳатдан камол топиши, эзгу қадриятларимиз давомчиларининг кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун яратилаётган шароит ва имкониятдан дарак беради.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

t

# МАЪНАВИЯТ

*Мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, касб-ҳунарни санъат даражасига кўтарган иқтидор эгаларини муносиб рағбатлантиришга, ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида хусусий бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда.*

**МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК**



## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

### ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Наманган вилоятида ҳам соҳани тараққий эттиришга қаратилган изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва шу орқали янги иш ўринлари яратилишига эришилмоқда.

Наманган шаҳрининг Гулбоғ маҳалласида истиқомат қилаётган Анас ака Мирзабоев хонадонида бўлсангиз ажиб манзарага гувоҳ бўласиз. Каттагина ҳовли, турли мевалар ғарқ пишиб ётибди. Соя-салқинда 5-6 нафар ёш иш билан банд. Кимдир ёғочга нақш солган, гул чизган, кимдир қўлида искана — безак бераяпти. Ҳар ким ўз иши билан банд. Бу ерда бой маънавий меросимиз қайта тикланаётганига, қадриятларимизнинг ўзига хослиги ва жозибасига гувоҳ бўласиз. Ота-болалар, устоз-шогирдлар ҳунар орқали эътиборда, эъзозда. Анас аканинг ота-боболари ҳам қўли гул уста, ҳунарманд сифатида ён-атрофда обрў-эътибор топди. Турли сандиқ, жавон, сўрилар ясаб ўз харидорларига эга бўлди.

— Мен устачиликда учинчи авлодман,- дейди биз билан суҳбатда А.Мирзабоев. — 3-4 яшарлигимдан қўлимга теша, арра, искана олиб, отамнинг ҳунарини эгалладим. Илгарилари ясаган ишларимизни бемалол бозорга олиб чиқиб сота олмасдик. Яшириниб, кечалари иш қилардик. Истиқлол туфайли биз каби ҳунармандлар кўкрагига ҳам шамол тегди. Муҳтарам Юртбошимизнинг эътибори, ғамхўрлиги сабаб биз ҳунармандларга катта имкониятлар яратилди. Бемалол ишларимиз, яратган асарларимизни кўз-кўз қилишимиз мумкин. Охирги 7-8 йилдан буён сўричилик билан астойдил шуғуллана бошладим. Ўймакорлик ишларини асосан, ёнғоқ, дуб, қайрағоч, ясин каби қаттиқ ёғочларда амалга оширамиз. Сўричиликда греҳ, дарпарда, ислимий каби нақшлардан фойдаланаяпмиз. Куйдирма усулда ёғочга безак беришни йўлга қўйдик. Фарзандларим ёнимга кириб, катта кўмакчи бўлиб қолишди. Айниқса, иккинчи ўғлим Алихоннинг ишларидан кўнглим тўқ. Ёғочга меҳр бериб, қунт билан ишлайди. Ўзи мустақил нақшлар яратмоқда. Ҳозир 5-6 нафар шогирдим бор.

Эндигина 16 ёшни қаршилаётган Алихон Абдуғаниев дадасидан сўричилик, ёғоч ўймакорлик санъати сирларини ўрганмоқда. Улар сўрини йиғиладиган қилиб ясашади. Чиройли, бежиримлилигини кўриб ҳавасингиз келади.

— Ҳозир Наманган педагогика коллежида ўқияпман,- дейди Алихон. — Спорт билан мунтазам шуғулланаман. Шу қатори ҳунар ҳам эгаллаяпман. Ясаган сўриларимиз Тошкент, Фарғона, Қўқонда сотилаяпти. "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлдик. Мақсадим, ўзбек миллий ҳунармандчилигини дунёга танитиш, Ватанга, юртга, мустақилликка хизмат қилиш. Биз каби ёшларнинг истеъдод ва иқтидорини намойиш этишга юртимизда барча шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Масалан, яқиндагина "Ташаббус-2011" кўрик-танловининг шаҳар, вилоят босқичларида ғолиб бўлиб, якуний республика босқичида иштирок этдим. Диплом олдим, лауреат бўлдим. Бу менинг катта ютуғим, десам бўлаверади. Келгусида хорижга ҳам чиқмоқчиман.

Алихоннинг фикрлари тиниқ, иши пухта. Шунданми, ёш бўлишига қарамай кўпчиликнинг меҳрига тушди, эътиборини қозонди. Кўксида шу юрт учун хизмат қилиш, миллий ҳунармандчилигимизни ривожлантиришдек ғурур ва ифтихор бор. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, яратиб берилган шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб меҳнат қилаётган Анас ака ва унинг фарзандларига, шогирдларига ҳавасимиз келди. Бундай эътибор, ҳавас, ғамхўрлик эса уста-ҳунармандларимизга янада илҳом, куч-ғайрат бериши аниқ.

**Э.ЙЎЛДОШ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**ФОЛЬКЛОР**

## БАХШИ ВА ОҚИНЛАР КУЙЛАГАНДА...

**Паркент туманидаги "Қўшчинор" маданият ва истироҳат боғида бахши-шоирлар ва оқинлар ўртасида ўтказилган анъанавий танловнинг Республика босқичи бўлиб ўтди.**

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, "Маҳалла", "Олтин мерос" жамғармалари, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Паркент туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Бахши-шоирлар ва оқинларнинг анъанавий республика кўрик-фестивалидан кўзланган асосий мақсад ҳам халқимизнинг нодир маънавий мулки – бахшичилик ва достончилик санъатини янада равнақ топтириш, унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини халқимизга кенг таништиришдан иборатдир. Ушбу анжуман юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган бахши-шоирлар, оқин ва жировларни рағбатлантириш, янги истеъдод соҳибларини аниқлаш, улар ижодидан мусиқа ихлосмандларини кенгроқ баҳраманд этишда алоҳида ўрин тутади.

Тадбирда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган бахши, оқин, жировлар халқ достонларидан парчалар ҳамда Ватанимиз, истиқлолимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини улуғловчи термаларни ижро этишди.

**Азима ҚИЁСОВА**

**МУТОЛАА**

## МАЪРИФАТ

### САОДАТ КАЛИТИ

*Инсоннинг ҳаётдан мақсади, муддаоси — ҳақиқатдир. Ҳақиқатга эса фақат илм-маърифат билангина эришилади. Илм-маърифат кишилар келажагини белгилаб бериш билан миллат, жамият ва бутун инсоният тақдирини ҳал қилади. Шу боис ҳам ҳамма замонларда миллатнинг зиёли вакилларига маърифатга тарғиб этиш, жаҳолатга қарши курашиш ғоялари асло тинчлик бермасдан келган. Ҳар бир даврнинг, ҳар бир миллатнинг чин фидоий зиёлиси миллат тақдири ҳақида қайғурганида маърифатдан нажот кутиб, бор имконияти, салоҳияти ва ижодини маърифат тарғиботига сафарбар этган. Шунинг учун ҳам зиёлилар, ижодкорлар учун бериладиган таърифларнинг энг шарафлиси "маърифатпарвар" таърифидир. Миллатни маърифатлилик даражасини юксалтириш ўз замонасида ўша даврнинг барча зиёлиларини ўйлантиргани шубҳасиз. Бунинг исботини уларнинг ижодларидан ҳам яққол кўриш мумкин. Қолаверса, таниқли олим Нурбой Жабборовнинг "Маънавият" нашриётида чоп этилган "Маърифат надур" китоби ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.*




Китоб маърифатга нисбатан жамият камолини белгиловчи мезон, инқирозга юз тутганида уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолувчи куч ёхуд жамият тақдиридаги ҳал қилувчи восита сифатида таъриф бериш билан бошланади. Маърифатга таъриф беришда ҳазрат Навоий ижодига мурожаат қилинади.

Кишилар ўртасидаги ихтилоф, бир-бирларини тушунмаслик, бир нарсага нисбатан турлича ёндашув каби жиддий масалаларнинг ечими "Лисон ут-тайр" даги Навоий фикрларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда ҳал қилинади. Яъни, буларнинг барчасини биргина сабаби мавжуд, у ҳам бўлса одамларнинг маърифати даражасининг турлича эканлигидадир. Ушбу хулоса бугунги кунимизнинг долзарб масалалари борасида ҳам кўп нарсани ойдинлаштиради. Ёшларимизни истиқлол неъматлари қадрига етиш, уларнинг билим, қобилият ва кўникмаларини ватан равнақи учун йўналтиришда воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тушунадиган, онгли равишда қабул қиладиган даражадаги маърифат талаб этилади.

"Маърифат надур" китобини мутолаа қилар экансиз муаллиф шу миллатнинг илмли, зиёли бир вакили сифатида намоён бўлади. Бу, айниқса, унинг миллат ёшларига доир муносабатларида яққол кўринади. Муаллиф, айниқса, маърифатнинг асосий манбаи бўлган китобга нисбатан жиддий эътибор қаратади. Китоб дўкони бўлмаган манзиллар ҳолидан ташвишга тушади. Бундай дўконларни янада кўпайтириш зарур, деб ҳисоблайди.

Китобда муаллифнинг барча фикрлари ўқувчини мутолаасиз, умуман, илм-маърифатсиз комилликка эришиш мутлақо мумкин бўлмаган ҳодиса эканлигига ишонтириш учун йўналтирилади. Бунинг учун муаллиф фикрларини Навоий, Фурқат, Беҳбудий ва Чўлпондан иқтибослар келтириб, қувватлантиради. Маърифат ҳақида гапириб, муаллиф "Ёшлар қалбида илмга сўнмас рағбат уйғотиш керак", деган маслакни тарғиб этади.

Китобнинг навбатдаги "Биз қандай миллатмиз" деб номланувчи бобида миллатнинг асосий белгиларидан ҳисобланган тил, миллий тарих, урф-одат ва маросимлар ҳақида фикр юритилади.

Муаллиф биз қандай тил соҳибимиз, деб савол қўйиб, унга она тилимизнинг тарихи ва бугунини таҳлил қилиш орқали жавоб топишга ҳаракат қилади. Ҳазрат Навоий томонидан "Асл тилларнинг маншаъи", яъни барча асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлган тилнинг бугунги ҳолатига муносабат билдирилади. Замондошларимизни она тилимиз мақомини янада юксалтиришга даъват этади.

Китобда ҳамма замонларда ҳам муҳим ва аҳамиятли ҳисобланган тарихни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Тарихдан сабоқ олиш масаласида Беҳбудийдан жуда ҳам ўринли ва ибратли ушбу жумлалар келтирилади "...бизнинг ўз шевамизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий аҳволиға доир "Туркистон тарихи" бор бўлғонда, они кўз олдимизда қўйуб, бурунғи қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият давриға кируб ва нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, хейли ибрат олар эдук. Ўшандоқ ҳозирги ҳолимизни боболаримиз давридаги ҳолларға бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиоли даруний (ички ҳаяжон) ҳис эдуб, юзларимиз қизарар эди. Ҳоло, биз туркистонийлар марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон воқеоти тарихиясидан бутун ғофил ва бехабардурмиз". Ҳаққоний тарихдан хабардор бўлмасдан туриб ҳеч бир миллат ўз аҳволини тадқиқ эта олмайди. Ўз тарихидан ғофил ва бехабар миллат эса тараққиётдан ортда қолиши аниқ, деган хулоса билан тарихнинг жамиятдаги ўрнига юқори баҳо берилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, "Маърифат надур" китобида муаллиф кенг китобхон оммасини маърифатсиз ҳаёт йўқлигини, у ҳар қандай саодатнинг калити эканлигига ишонтириш учун астойдил ҳаракат қилади. Миллатнинг зиёли бир вакили сифатида буюк аждодларимиз босиб ўтган йўл билан бугунги давримизни таққослайди, аждодларга муносиб авлод бўлишликка даъват этади. Бунда у эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бориш, ёшлар қалбида она тилимиз, илмга нисбатан сўнмас рағбат уйғотиш ва тарихни ўрганиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

**Ғайратбек ГЕЛДИЕВ**

**МИЛЛИЙ МЕРОС**

*Темурийлар тарихи давлат музейида археология мероси иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг бугунги ҳолати ва истиқболига бағишланган семинар бўлиб ўтди.*

## АРХЕОЛОГИК ОБИДАЛАР: МОЗИЙ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, "Ўзбекмузей" жамғармаси раҳбарлари, мутахассислар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, юртимизда кўп минг йиллик тарихий, маънавий ва маданий меросимизни қайта тиклаш, ўрганиш ва келгуси авлодларга асл ҳолича етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Мазкур йўналишда ўтказилаётган тадбирлар халқимиз тарихини, жаҳон цивилизация тараққиётида тутган ўрнини кенг намойиш этиш, миллий ғурурни юксалтириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришда муҳим омил бўлаётир. Ўтган йилларда тарихимизнинг археология мероси йўналишида кўплаб муҳим тадқиқотлар олиб борилди. Бир қатор маданий мерос иншоотларимиз ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданиятининг ноёб дурдоналари рўйхатига киритилди. Айни пайтда археологик иншоотларни муҳофазалашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2009 йил 13 октябрда қабул қилинган "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда ўлкамизда рўйхатга олинган етти ярим мингдан зиёд кўчмас маданий мерос иншоотларининг ярмидан кўпроғи археология объекти ҳисобланади. Юртимизда бу обидаларни муҳофазалашнинг замонавий тизими шаклланган. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий мерос иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан бу борада мунтазам иш олиб борилаётир.

— Мамлакатимизда археологик тадқиқотлар кўлами тобора кенгаймоқда,- дейди Фанлар академиясининг археология институти директори А.Бердимуродов. — Институтимиз ва бир қатор университетларнинг археолог олимлари бу йўналишда дунёнинг тараққий этган илмий марказлари мутахассислари билан ҳамкорликда изчил илмий тадқиқотларни амалга оширмоқда. Юртимиз археологлари томонидан Тошкент вилоятининг Обираҳмат ғорида, Оқчадарё ўзанида, Тиллабулоқ воҳасида, Афросиёб, Кўктепа обидаларида ва бошқа ҳудудларда олиб борилган тадқиқотлар ва топилмалар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилган.

Анжуманда археология иншоотларини ва ашёларни асраш, илмий жиҳатдан ўрганиш борасида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда, бу борада ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, археология иншоотларида кадастр ишларини амалга ошириш, археологик ашёларни сақлаш тартибини такомиллаштириш, уларнинг аниқ ҳисобини юритиш долзарб аҳамиятга эга.

**"Туркистон-пресс"**

**МЎЪЖИЗА**

## ЖИЗЗАХ БУЛОҚЛАРИ

*Табиатда бетакрор мўъжиза, яратувчилик, бунёдкорлик борлигини булоқларга қараб тасаввур этса бўлади. Тошлар орасидан сизиб, шилдираб, қубба-қубба бўлиб минг хил ҳолатга кираётган булоқдан бир ҳовуч сув олиб ичсангиз танангизга куч, белингизга мадор югуради.*

— Бу Молгузар тоғларининг ижоди, - дейди ҳамроҳим, Бахмал қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган шифохона врачи Тошпўлат Бекмуродов. Дарҳақиқат, саратон пайтлари чўққиларида ойнадай ялтираб қоладиган қорлар сингиб, минглаб турнакўз булоқларни озиқлантириб турадиган Молгузар тоғи кўзингизга жуда сирли кўриниб кетади.

Бу ҳудудда Олтиҳовуз қишлоғи бор. Соҳибқирон бобомиз ҳам шу жойларда ҳордиқ чиқарган эканлар. Бу ерга бобомиз ёнғоқ дарахти ўтказиб кетган. Унинг остидан қайнаб чиқадиган булоқдан сув ичадиганлар сони эса йил сайин кўпаймоқда.

Бундай булоқлар Жиззах вилоятининг тоғли ҳудудларида жуда кўп. Улар ҳақида турли ривоятлар тўқилган. Ўзининг шифобахшлиги билан одамларнинг дардига малҳам бўлган. Қўтирбулоқ беморларни тери касалликларидан халос этишга сабабчи бўлган. Қўлсолди булоғи қўл-оёқларида дарди бўлганларнинг оғирини енгиллаштирган. Мойбулоқ қотиб қолган териларни юмшатган. Шўрбулоқ ошқозон ичак касалликларига дучор бўлганларни дарддан фориғ қилган. Бахмал туманида Қизилбулоқ деган чашма бор. Унинг сувини ичган кишининг қон босими дарҳол маромига келади.

— Жиззах туманидаги "Пайматбулоқ"дан шўр сув келади. Шу ҳудудда яшаётганлар умуман ошқозон-ичак касалликларига чалинмайдилар. Сабаби, булоқ сувининг таркибида овқатни ҳазм қилишда иштирок этадиган минераллар жуда кўп,- дейди қишлоқдагилар.

— Мана шундай шифобахш булоқлардан сув ичадиганлар меҳр-оқибатли, кишиларга меҳрибон, саховатли ишларга мойил бўладилар, - дейди биз билан суҳбатда шинавандалар. Бу булоқлар инсонни гўзалликка чорлайди, руҳини янада енгиллаштиради. Халқимиз булоқларни эъзозлашига сабаб ҳам шу!

Уларнинг гапларини тинглаб, бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки она сайёрамизда сувга бўлаётган муносабатларни кўриб ўйлаб қоласан киши. Тўғри, бу булоқларнинг кўзидан ҳар қанча сув ичсангиз, улардан таом тайёрлашда ишлатсангиз танангиз фойдали минералларга тўйинади, соғлигингиз тикланади. Лекин улар асос бўлган пастликлардаги оби-ҳаётдан ҳовучлаб сув ичиб чанқоғингизни қондира оласизми? Мана шундай ҳолатга оқар сувларга ахлатлар тўкаётган, тўғри келган жойда техникаларини ювaётганлар ҳам сабабчи эканлигини унутмаслик керак. Сув ресурсларини мусаффо сақлашга кенг жамоатчилик эътиборини қаратишнинг вақти етди. Биз каттами кичикми, дарёми, булоқми унинг сувини мусаффо сақлашимиз зарур.

Мана шу булоқларимизни кўрамиз деб узоқ-узоқлардан сайёҳлар келишади. Унинг ҳолатларини кўриб ҳайратга тушадиганлар жуда кўп. Ҳатто идишларини тўлдириб олиб ўз юртларига совға сифатида олиб кетадиганлар ҳам бор. Тангрига беадад шукрлар бўлсинки, мамлакатимизда бундай жойлар бисёр. Шу ўринда булоқларга бўлган эътиборни алоҳида таъкидлаш зарур. Таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган турли хил минералларга бой булоқлар мавжуд. Улар кўплаб даволаш муассасалари, санаторийлар қурилишига асос бўлди. Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида ташкил этилган бундай шифохоналар бугун республикамиз меҳнаткашларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига асос бўлмоқда.

Булоқлар топоним номларга айланиб, қишлоқларга ном бераётганини айтмайсизми. Биргина Жиззах вилоятида булоқ сўзи қўшимчаси билан аталадиган юзлаб қишлоқлар бор.

Қайнаб ётган булоқнинг соф кўзларига қараб қандай хаёлларга берилмайсан киши. Булоқ мусаффо, булоқ азиз, булоқ оби-ҳаёт!

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ЖАРАЁН

ФАОЛИЯТ

## "ИПОТЕКА-БАНК"

### МИЖОЗЛАР ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

***Мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори иқтисодиётимизнинг етакчи йўналиши — банк тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар қилинди. Айниқса, аҳолини банкка бўлган ишончини қозониш йўлида қилинаётган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. "Ипотека-банк" АТИБ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уй-жой қурилиши, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларида жадал ривожлантириш, бунинг учун имтиёзли ва узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди.***

Банкнинг Самарқанд вилояти филиали жамоаси "Мижоз банк учун эмас, балки банк мижоз учун" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Мухбиримиз "Ипотека-банк" АТИБнинг Самарқанд вилояти филиали бошқарувчиси Жамшид Элмурадов билан соҳада олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

**— Маълумки, банкларнинг устувор вазифаларидан бири, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини депозитларга жалб этишдир. Бу борада банк томонидан қандай ишлар олиб борилмоқда?**

— "Ипотека-банк" АТИБ Самарқанд вилояти филиали томонидан 2011 йил 1 июнь ҳолатига кўра ўтган йилнинг шу даврига нисбатан омонатларга жалб этилган аҳоли пул маблағлари ҳажми 1,2 млрд. сўмга ошиб, 5,8 млрд. сўмни ташкил этди. Бугунги кунда аҳолига миллий валютада 30 дан ортиқ, хорижий валютада эса 10 дан ортиқ турдаги депозитлар таклиф қилинаяпти. Яъни мижозларга бўш пул маблағларини сақлашда ўзларига энг мақбул шартлар ҳамда улар бўйича даромад ҳажми таклиф қилинадиган омонат турларини танлаш имконияти яратилган. Ўтган давр мобайнида банк аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида турли хилдаги юқори фоизли омонатлар таклиф қилдик. Шунга кўра, миллий валютадаги омонат ҳисобварақларида турган муддатли омонатларнинг ўртача қолдиғи йилнинг шу даврига нисбатан банк бўйича 63 фоизга кўпайиб, 2,2 млрд. сўмни ташкил этди.

**— Аҳолининг, хусусан, ёш оилаларнинг уй-жойларга, уй-жиҳозларига бўлган эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Банкнинг асосий вазифаси ва мақсади аҳолини шинам уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш, имтиёзли уй-жой сотиб олиш, уй-жойларни таъмирлаш, уйлар қуриш учун ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш ҳисобланади. Шунга кўра, "Ипотека-банк" Самарқанд вилоят филиали имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга квартира сотиб олиш учун ипотека кредитларини таклиф этмоқда. Ёш оила тоифасига ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар киради. Бунда ёш оилалар учун қуйидаги имтиёзлар мавжуд. Хусусан, қарз олувчини (ёш оила) кредит бўйича ойлик тўловларни сўндириш учун йўналтирилган даромадлари ҳамда корхоналарнинг қайтиб олмаслик шарти билан ёш оилалар тоифасига кирувчи ўз ходимларига ипотека кредитининг бошланғич бадалини тўлаган даромади солиққа тортилмайди. Ипотека кредити учун кредит таъминоти, кредит ҳисобига сотиб олинаётган квартира гаров сифатида қабул қилинади. Квартира сотиб олиш учун ипотека кредитининг максимал миқдори энг кам иш ҳақининг 2500 бараваригача бўлган суммани ташкил этади.

**— Ҳар бир банкнинг салоҳияти унинг мижозлари, уларга кўрсатилаётган хизмат турларининг юқорилиги, афзалликлари билан ўлчанади. Банк томонидан жорий йилнинг ўтган ойларида қандай молиявий кўмаклар берилди, кредитлар ажратилди?**

— Филиалнинг узлуксиз ишлаши мижозлар базасини анча кенгайтириш имконини берди. 2011 йил 1 июнь ҳолатига кўра мижозлар умумий сони 63190 тадан ортди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20841 марта кўпдир. Мижозларнинг 60405 нафарини жисмоний шахслар, 104 тасини давлат ташкилоти ва корхоналари, 133 тасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, 841 тасини хусусий корхона ва фирмалар, 3 тасини хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, 1522 тасини хусусий ва якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда 182 тасини бюджет муассасалари ташкил этади. Хизмат кўрсатилаётган мижозлар сони кўпайишининг асосий қисми чакана мижозларга тўғри келади. Бу ҳолат банкнинг стратегик вазифаларидан бири чакана хизматларни ривожлантириш вазифаси бажарилаётганлигини кўрсатади. Банк ўз мижозларининг ҳар қандай талаб ва истакларига тўлақонли жавоб беришга тайёр бўлиб, улар учун замонавий банк хизматларининг барча турларини таклиф этмоқда.

**— Ҳозирда банкларнинг филиал ва минибанклари, шахобчалари кириб бормаган бирон бир шаҳар ёки қишлоқ бўлмаса керак. Бу борада банк томонидан қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

— Айни пайтда "Ипотека-банк" Самарқанд вилоят филиали таркибида 5 та минибанк, 5 та жамғарма ва 10 та коммунал касса, 5 та халқаро пул ўтказмалари шахобчалари, 6 та валюта айирбошлаш шахобчалари аҳолига юқори сифатли банк хизматларини тақдим этиб келмоқда. "Ипотека-банк" АТИБ Самарқанд вилоят филиалининг молиявий сиёсати замонавий, аҳолини максимал даражада банк хизматларига яқинлаштиришга қаратилган. Шу мақсадда ихтисослашган кассалар ва минибанклар тармоғи кенгайтирилмоқда. Уларда корпоратив мижозларга ҳисоб-китоб-касса хизматини кўрсатиш, омонатлар очиш ва уларни бериш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш каби хизматлар тақдим этилаяпти.

**— Банк тизимида ишловчи ходимлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ишлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Бугунги кунда "Ипотека-банк" АТИБ Самарқанд вилоят филиалида 140 нафар ходим хизмат қилмоқда. Янги келган кадрларни ишга қабул қилишда авваламбор хизмат вазифаларини бажариш учун амалий ва назарий жиҳатдан тайёр бўлиши, замонавий банк иши сирларини пухта билиши, ҳамкасблари ва мижозлар билан юқори маданий савияда муомалада бўлиши талаб қилинади. Бу вазифалар банк ходимларини малака ошириш ўқув маркази, Банк-Молия академияси, Минтақавий банк ўқув марказида, шунингдек, турли хорижий ўқув юртларида ўқитиш йўли билан ҳал этилмоқда. Бундан ташқари, банк ходимлари мунтазам равишда турли республика банк семинарлари, тренинг-курслар ва конференцияларда иштирок этиб келмоқда.

**Суҳбатдош:**
**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

АНЖУМАН



## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ

### 3200 ТА ҚВП ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

***Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг беқиёс эътибори билан юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига асосан ўзига хос миллий модели шакллантирилганлиги тиббиётимиз ривожи ва унинг ютуқлари жаҳон миқёсида тан олинишида муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда мустақиллик йилларида соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, соҳани моддий техник базасини мустаҳкамлаш борасида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда галдаги вазифалар ҳақида сўз борди. Тадбирда соғликни сақлаш тизими мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашишди.

— Мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг қанчалик юксалганлигини биргина қишлоқ врачлик пунктларининг замонавий тиббий муассаса сифатида шаклланаётганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин, - дейди Ўзбекистон Республикаси соғликни сақлаш вазири А.Икромов. — Ўтган давр ичида мамлакатимиздаги қарийб 3200 та ҚВП фаолияти янада такомиллаштирилди. Сўнгги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилди. Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилиб, улар замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланди. Жорий йилнинг ўзида 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ислоҳотларнинг яна бир йўналиши бўлмиш фармацевтика соҳасида улкан ютуқларга эришилганини алоҳида қувонч билан таъкидлаш жойиз. Ҳозирда 120 та фармацевтика ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш корхоналари томонидан 1200 га яқин дори воситалари ва тиббий буюмлари етказиб берилмоқда. Қолаверса, ўзбек олимлари томонидан сўнгги йилларда 30 дан зиёд муқобили йўқ дори воситалари ихтиро этилиб, амалиётга жорий қилингани ҳам қувонарли.

Инвестиция дастурига кўра, республика ва ҳудудий даволаш муассасаларини ўз ичига олган 100 та иншоот қурилиши ва қайта реконструкция қилиш ишлари жадал давом этмоқда. Энг қувонарлиси, ушбу даволаш муассасаларининг аксарияти мустақиллигимизнинг 20 йиллик тантаналари олдидан фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Жумладан, жорий йилда республика ихтисослаштирилган Эндокринология, Фтизиатрия ва Пульмонология ҳамда Педиатрия илмий-амалий марказларида таъмирлаш ишлари якунланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланади.

Ўзаро мулоқотга бой бўлган матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

**М.ХУДАЙБЕРГАНОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

ЮЗМА-ЮЗ

***Ўтган йиллар мобайнида юртимизда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизими яратилди. Эндиликда журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тегишли давлат дастури асосида амалга оширилмоқда. Ахборот соҳаси изчил ривожланиб бораётган бугунги шароитда профессионал журналистлар малакасини ошириш, соҳадаги илғор тажриба ва усулларни ўзлаштиришга кўмаклашиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди.***

## ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР

### ЯНГИ ЛОЙИҲА АСОСИДА МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида таъкидлаганидек: "Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга қаратилган, халқаро демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий замин яратилгани, соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва бундай ишлар изчил давом эттирилаётгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги ҳаракатларимизнинг муҳим таркибий қисмидир".

Замонавий журналистика ва ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши соҳа вакиллари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Буни сўнгги йилларда журналистиканинг мутлақо янги шакли — Интернет журналистикасининг пайдо бўлиши ва шиддат билан ривожланиши мисолида кузатиш мумкин. Демак, журналистлар билимини муттасил равишда такомиллаштириб бориш давр талабидир. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўз фаолиятида бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жамоат фонди фаолиятининг асосий йўналишларидан бири босма ОАВ ва ахборот агентликларида ишлаётган журналистлар, хусусан, ёш журналистлар учун ўқув семинар ва форумлар ташкил этишдан иборат. Шу йўналишда ўтган йили "Республика ҳудудий босма ОАВларида фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малакасини ошириш" лойиҳаси ишлаб чиқилган эди.

2010 йилда лойиҳа доирасида саксон нафарга яқин ёш журналист мамлакатимиздаги етакчи газета, журнал ва ахборот агентликларида малака оширди. Жорий йилда лойиҳа иштирокчилари ва мавзу кўлами янада кенгайди. Унга "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимлари қошида тузилган "Келажак пресс" матбуот марказлари координаторлари ҳам жалб этилди. Малака ошириш жараёнида ёш журналистларнинг, айниқса, Интернет журналистикасини ўзлаштиришига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Таъкидлаш керакки, "Келажак пресс" матбуот марказлари 2008 йилда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг ҳамкорликдаги лойиҳаси асосида ташкил этилган эди. Жамоат фонди томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобига бу марказлар замонавий техник жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозир "Келажак пресс" матбуот марказлари юртимизнинг барча ҳудудларида мавжуд бўлиб, журналистикага қизиқувчи кўплаб ёшлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаяпти.

— "Келажак пресс" матбуот марказлари фаоллари соҳага доир билимларини мунтазам равишда ошириш имконига эга, - дейди Жамоат фонди ўқув маркази раҳбари Дилноза Қаюмова. — Улар ҳар йили ёзги медиа-оромгоҳларда иштирок этишади. Бунда "Келажак пресс"чилар тажрибали журналистлардан маҳорат сабоқларини оладилар. Қолаверса, ҳар бир матбуот маркази ҳудудий босма нашрлар қошида маҳорат мактабини ташкил этган. Унда ёш журналистлар иш амалиётини ўрганишади. Тайёрлаган материаллари тегишли нашрларда чоп эттирилади. "Келажак пресс" матбуот марказлари фаоллари "Республика ҳудудий босма ОАВларида фаолият юритаётган журналистларнинг марказий нашрларда малакасини ошириш" лойиҳасига бежиз жалб этилмаган. Зеро, бугунги кун журналистикасига нафақат ёш, балки замонавий кадрлар керак. Чунки бундай журналист ҳам ижодий, ҳам техник кўникмаларга эга бўлиши лозим. Бу йилги лойиҳа ёш журналистларни, асосан, интернет журналистикаси билан яқиндан таништиришга қаратилган.

Ташрифнинг учинчи кунида "Uzinfocom" маркази тажрибаси билан танишув лойиҳа иштирокчиларига Интернет журналистикаси билан юзма-юз бўлиш имконини берди. Эътиборли жиҳати шундаки, ёш журналистлар олган билимларини амалиётда ҳам татбиқ эта олишди. Жамоат фондининг техник базасида улар учун бир кун давомида сайтлар билан ишлаш амалиёти ўтказилиб, ҳар бир иштирокчи Интернет сайти учун алоҳида материал тайёрлаган ҳолда уни шу пайтнинг ўзида веб-ресурсга жойлаштиришни ўрганди.

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида "Интернет журналистининг услуби: жозибакор сарлавҳалар" мавзуида ташкил қилинган семинар ҳам лойиҳа иштирокчилари учун қизиқарли бўлди. Семинарни Интернет журналистикаси ва информацион технологиялар кафедраси ходимлари олиб борди.

Интернетда фото журналистикадан фойдаланиш маҳоратига бағишланган навбатдаги семинар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзуидаги маърузасида мамлакатда ахборот соҳасини ислоҳ этиш, журналистика соҳасидаги қонунчилик базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, тўртта янги қонун, яъни, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифи билдирилганди.

Ёш журналистларни бундай қонунчилик ташаббуси мазмун-моҳияти билан таништириш мақсадида лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзуида семинар ташкил қилинди. Унда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашаётган экспертлар, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

**Адибахон**
**РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ҚАРОР ВА ИЖРО

## ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИЛАР

### ФАОЛИЯТИ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

***Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 139-сонли қарорининг мазмун-моҳияти тарғиботи ҳамда унинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказди.***

Миллий матбуот марказида ўтказилган мазкур тадбирда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб бериш учун Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа қатор идораларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

Анжуманни бевосита бошқариб борган агентлик бошлиғи ўринбосари Ш.Шоваҳобов қарор ижроси юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхталар экан, жумладан, шундай деди: — Йўналишсиз таксилар фаолиятини қарорда белгиланган талаблар даражасида шакллантириш учун, табиийки, муайян ишларни амалга оширишимиз лозим бўлади. Қарорда бу борада қатор идораларга тегишли кўрсатмалар ҳам берилган. Бундан ташқари, ташувчилар томонидан ҳам жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилиши талаб этилади.

Нотиқ йўловчилар ташиш транспортини ривожлантириш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, улар томонидан йўловчилар ташиш бўйича кўрсатилган хизматлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорга асосан "Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилар ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом тасдиқланганини маълум қилди.

— 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирадиган Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўналишсиз таксиларнинг ташқи кўринишига ва ички маълумотлар билан жиҳозланишига, шунингдек, йўналишсиз такси ҳайдовчиларига нисбатан ҳам ягона талабларни қўяди. Унга кўра, йўналишсиз таксилар учун мажбурий бўлган, ташқи ва ички маълумотларни ўз ичига олувчи ягона таниш белгилари бўйича талаблар белгиланган бўлиб, бундай таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб туришини ва танилишини таъминлаш учун мўлжаллангандир. Йўналишсиз такси сифатида фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситаси техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлиши ва автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши, ягона таниш белгилари билан таъминланган бўлиши, соз ҳолатдаги пломбаланган спидометр жиҳозларига, белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинасига, шунингдек, тўловларни банк пластик карточкаларидан қабул қилиб олиш учун ҳисоб-китоб терминалига эга бўлиши лозим, - деди Ш.Шоваҳобов.

Бундан ташқари, анжуманда йўналишсиз такси ҳайдовчиларига қўйилган талаблар хусусида ҳам гап борди. Унга кўра, ҳайдовчилик гувоҳномасида "В" рухсат белгиси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчилик стажига эга шахсларгина йўналишсиз таксиларни бошқариш ҳуқуқига эга эканликлари, ҳайдовчилар йўналишда ишлаётганда автотранспорт воситасига тегишли лицензия карточкасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўрикдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилганлиги тўғрисида белгилар қўйилган йўл варақасига эга бўлиши кераклиги айтилди.

Матбуот анжуманидан сўнг енгил такси фаолияти билан шуғулланувчи автокорхоналарнинг масъул ходимлари учун ташкил қилинган семинар ҳам жонли кечди. Соҳа мутахассислари ташувчиларнинг қарор ижроси масаласи билан боғлиқ талай саволларга жавоб беришди. Шунингдек, айрим масалалар бўйича ташувчилар томонидан билдирилган таклифларнинг ўринли экани мутасадди идора вакиллари томонидан эътироф этилди ва тегишли тадбирларни амалга оширишда бу таклифларнинг инобатга олиниши таъкидланди.

**Зафар МУҲАММАД,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

## ВИРТУАЛ ЖОСУСЛАР

**УЛАР СОХТА ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛЛАР, ЯСАМА ВЕБСАЙТЛАР, ТУРЛИ ВИРУСЛАР ВА ТАРМОҚЛИ РЕКЛАМАЛАР ОРТИГА ЯШИРИНГАН**





*Дунёда ҳатто энг яхши ҳимояланган йирик компания ва корпорациялар кибер-жиноятчилик ортидан ҳар йили 1 триллион долларга яқин зарар кўрмоқда.*

***Улар ҳеч қачон жамоа бўлиб ҳаракатланмайди, балки якка-якка ишга киришиб, ўғирлик майдонига киргандагина ўз-ўзидан кўпаяди. Чақирилмаган "меҳмон" ўзга уйларга кириб, бемалол кезиб юради ва ҳеч қачон зарар келтирмай кетмайди. Гап кибер ўғрилар ҳақида кетаётганини англаб улгургандирсиз. Улар — компьютер вируслари ва хакерлар (кракер, реверсер) бўлиб, "қаҳрамонлар" компьютер хотирасида ким ҳамда нимага айланади.***

Хакерларни хилма-хил турларга ажратиш мумкин: «компьютер қароқчилари», «электрон жосуслар» ёки «электрон ўғрилар» шулар жумласидан. Умуман, буларнинг барини бир сўз билан «хакерлар» деб аташади. Маълумотларга қараганда, хакерлар ўша Интернет яратилган вақтдаёқ пайдо бўлган. 1960-йилларда хакер деб энг кучли ва малакали дастурчиларни аташган. Ўтган асрнинг 70-80-йиллари кибер ўғрилар учун энг қулай йиллар ҳисобланган. Чунки айнан шу даврларда компьютер операцион тизимлари қайтадан ишлаб чиқарилаётган эди, яъни операцион тизимларнинг жуда кўп заиф томонлари борлиги кибер ўғриларнинг муваффақиятини таъминлаган. Ўша пайтлар хакерлар ҳозирги даврга қараганда, анча мустақил бўлган. Корхоналар хакерлар киришларини билиб туриб, тармоққа уланган. У вақтларда бир профессионал дастурчи амалга ошира оладиган хавфсизлик тизимини иккинчи дастурчи бузиши осон бўлган. Компьютер жиноятчилиги тарихан бир неча босқични босиб ўтган. Масалан, халқаро рўйхатга киритилган ва компьютер жинояти деб ҳисобланган дастлабки воқеалар 1979 йил АҚШнинг Даллас ва Латвиянинг Вилнюс шаҳарларида содир бўлган. Ўшанда хакерлар ЭҲМдан фойдаланиш орқали тегишлича 10 минг АҚШ долларидан зиёд ва 78000 рублдан кўпроқ пулни ўғирлашган.

Янги асрда компьютер технологиясининг шиддат билан ривожланиши инсониятга сайёрамизнинг исталган нуқтасидан керакли маълумотларни бир зумда етказиб бериш имкони туғилди. Аммо ушбу ахборот ва маълумотларни турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш жиддий бошоғриқ бўлмоқда. Маълумотларга кўра, ҳатто энг яхши ҳимояланган йирик компания ва корпорациялар ахборотнинг ташқарига чиқиб кетиши, уларнинг обрўйига етган зарар ва унинг оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ кибер-жиноятчилик ортидан ҳар йили 1 триллион долларга яқин зарар кўрмоқда. Масаланинг яна бир томони бор: бугун дунёда коммунал хизматлар ва солиқ тўловлари, савдо хизмати ҳам интернет орқали амалга оширилади. Аммо бу саъй-ҳаракатлар кибер-жиноятчилар томонидан «ишғол» қилиниб, маълум миқдордаги пуллар ўз манзилига етиб бормаяпти. Бундай жиноятчиликни назорат қилиш қийин ва унга қарши кураш олиб бориш ҳам ўта мураккаб. Бундан ташқари, компьютер технологияси ҳарбий мақсадларда ҳам кенг қўлланилади.

Одатда, кучли билимга эга бўлган хакерлар бирор дастурий таъминотнинг заиф томонини топишга ҳаракат қилади. Лекин айрим хакерлар ҳеч қачон қасддан ёки билган ҳолда сайтлар ва сервер компьютерларни бузмайди, яъни улар ҳамма ихтиролар ва янги яратилган дастурий таъминотларнинг хатоликларини топишга ҳаракат қилади. Бу билан компьютер дастурий ва техник камчиликларини бартараф этиб, ахборот коммуникация технологиялари ривожига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Уларни компьютер санитарлари деб аташади. "Менинг ўрнимга бошқалар тўласин" шиорини хуш кўрадиган хакерлар эса махфий дастур ёки серверлардан ҳар хил ҳужжатларни ўмариш ва шунга ўхшаш ноқонуний хатти-ҳаракатларни юзага келтиради.

Кузатувларга кўра, компьютер жосусларининг энг оммавий ҳаракатлари тизим оператори, яъни маълумотларни киритиш ва тайёрлаш, қайта ишлаш операторини ишдан чиқаришга қаратилган. Агар "чақирилмаган меҳмон" янада уддабурон чиқиб, тизим ва хавфсизлик администраторини ишдан чиқарса борми, компания деярли барча системалар, маълумотлар, турли махфий код ва рақамлар, хуллас, барча-барчасини бошидан бошлашга тўғри келади. Бу орқали улар ҳисоб-рақамлар ва тўлов қоғозларини қалбакилаштириш, нақд ва нақд бўлмаган пул воситаларини талон-тарож қилиш, қалбаки ҳисоб-рақамларига пул воситаларини ўтказиш, кўчмас мулкни ғайриқонуний бошқариш, ғайриқонуний йўл билан имтиёзлар, хизматлар ва товарларни олиш, махфий ахборотни сотишлари мумкин.

Мутахассислар компьютер ҳуқуқбузарликлари нисбатан саноати ривожланган мамлакатларда кўпроқ кўзга ташланаётганини таъкидлашади. Маълумотларга қараганда, АҚШда биргина компьютер ҳуқуқбузарлиги оқибатида ҳар йили тахминан 100 миллиард, Ғарбий Европа мамлакатларида 30 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрилади. Айрим йилларда йўқотишлар ҳажми йилига 400 фоиздан ошган. Бунда содир этилган компьютер жиноятчилигининг 52 фоизи пул воситаларини талон-тарож қилиш, 16 фоизи компьютер асбоб-ускуналари воситаларини бузиш ва йўқ қилиш, 12 фоизи дастлабки маълумотларни алмаштириш, 10 фоизи дастурлар ва ахборотларни ўғирлашни ташкил этади. Компьютер жиноятларининг ўзига хос хавфи ҳамда унинг жаҳон мамлакатлари цивилизациясига бўлган салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда, БМТ доирасида мунтазам равишда ушбу жиноятчиликка қарши курашнинг самарали йўлларини излаш чоралари кўрилмоқда. Бундан кўринадики, кибер-жиноятчилик нафақат бир давлат, балки халқаро миқёсдаги муаммодир.

Антивируслар ишлаб чиқариш ва хакерлар "ҳужуми"ни бартараф этиш борасида ном қозонган Россиянинг "Касперский лабораторияси" олимлари Google Android базасидаги смартфонлар учун Trojan-SMS тоифасидаги биринчи зарарли дастурни аниқлашди. Унга кўра, янги зарарли дастур фойдаланувчиларнинг смартфонларига FakePlayer плеери кўринишида тушади. "Плеер" ўрнатилгач, троян тизимга кириб олади ва эгасининг буйруғи ва розилигисиз пуллик рақамларга SMS-хабарлар жўната бошлайди. Вирусларнинг фаолияти натижасида «қурбон»нинг ҳисобидан кибер-жиноятчилар ҳисобига ўтказиладиган маълум миқдордаги пул ечиб олинади.

— Янги трояндан қочиш учун фойдаланувчилар андак эътиборлироқ бўлишлари лозим, - дейди "Касперский лабораторияси" мобиль таҳдидларни таҳлил қилиш гуруҳи раҳбари Денис Масленников. - FakePlayer ўрнатиш пайтида қайси сервисларга рухсат сўраётганига эътибор қаратилса бўлди: видеоплеерга ниқобланиб олган зараркунанда SMS юборишга рухсат сўрайди. Афсуски, кўплаб фойдаланувчилар бепул софт юклаб олишаётганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишмайди ва ўқимасдан туриб ўрнатилаётган дастурнинг барча сўровларини тасдиқлашади. Шунда телефонингиз сиз билмаган ҳолда ўзидан-ўзи чет эл рақамларига ҳам қўнғироқ қилади. Чунки қўнғироқ қилинаётган пайтда экранда ҳеч нарса кўринмайди. Буни фақат телефоннинг зириллашидан билиш мумкин. Шунда дарҳол антивирусни ишга тушириб, вирусни тўхтатиш лозим. "Касперский лабораторияси" мутахассислари аллақачонлар бу каби вирусларнинг эҳтимолдаги ўсишини тахмин қилишмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, кибер ўғрилардан ҳимояланиш учун энг аввало компьютерда лицензияли антивирус бўлиши ҳамда ушбу антивирус омборини тез-тез янгилаб туриш лозим. Шунингдек, агар сервер компьютер бўлса, антивирус билан бир қаторда, турли ишончли ва кучли брандмауерлар ўрнатиб қўйиш ҳамда тизим билан ишлайдиган, компьютерни тубдан билувчи, профессионал мутахассис бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатларнинг гуллаб-яшнаши кўп жиҳатдан компьютер технологиялари хавфсизлигига боғлиқ. Аммо жаҳон ҳамжамияти бу борада жиддий чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар олиб бораётганига қарамай, ҳар йили минглаб компьютерлар ташқаридан махсус бошқарувлар орқали бузиб ташланмоқда. Тан олиш керак, бугун ахборот технологиялар шу қадар шиддат билан ривожланмоқдаки, оқибатда кибер-жиноятчиларнинг усуллари илгарига қараганда анча устакорона ва ташкилийлик касб этмоқда. Улар сохта электрон манзиллар, ясама вебсайтлар, турли вируслар ва тармоқли реклама ортига яширинишган. Сичқонча билан битта нотўғри чертки... ва сизнинг шахсий маълумотларингиз қора интернет-бозорда энг катта нархни таклиф этадиган исталган кишига сотадиган ўғрилар қўлига ўтади. Шундан эҳтиёт бўлинг!

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**"Milliy tiklanish" шарҳловчиси**

**ЭНГ КЎПИ СИЭТЛДА**

**Кибер-жиноятчиликка қарши бўлинма ташкил этилди.**

***Яқинда АҚШда кибер-жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи махсус бўлинма ташкил этилди. Расмийларнинг фикрича, бугун барча соҳалар компьютер технологияси билан чамбарчас боғлиқлигини, компьютер тармоқларига суқилиб кирувчи хакерлар ҳаракати кишилик жамиятига ҳужум билан баробар.***

***Маълумот ўрнида: АҚШнинг "Symantec" компанияси мамлакатдаги кибер-жиноятлар бўйича 50 та хавфли саналган шаҳарлари рейтингини тузган. Компания мутахассислари қайси шаҳарда фойдаланувчилар кўпроқ хавфга дучор бўлиши, жумладан аҳоли жон бошига ёвуз ниятли хакерлик ҳужумлари, спамлар билан зарарланган машиналар сони, интернетнинг тарқалганини аниқлаш учун кўплаб кўрсаткичларини ўлчаб чиқди. Унга кўра, Вашингтон штатидаги Сиэтл шаҳрида АҚШдаги энг кўп сонли кибержиноятлар содир этилиши аниқланган. 1) Сиэтл (Вашингтон); 2) Бостон (Массачусетс); 3) Вашингтон (округ Колумбия); 4) Сан-Франциско (Калифорния); 5) Роли (штат Шим. Каролина); 6) Атланта (Жоржия); 7) Миннеаполис (Миннесота); 8) Денвер (Колорадо); 9) Остин (Техас); 10) Портленд (Орегон). 2009 йилда киберҗиноятлар натижасида америкалик истеъмолчилар 560 млн. $ йўқотишган. Бу 2008 йилга нисбатан икки марта кўп.***

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Пойтахтда янги мактаб

**Афғонистонда илк бор ролик учиш спортини ўргатадиган мактаб очилган.**



Франс-пресс хабарича, пойтахт Кобулда ролик учиш спортини ўргатадиган илк марказ очилган. Узоқ йиллик урушлардан азият чекиб келган мамлакат болалари ва ёшлари ўртасида ролик учиш спорти жуда оммабоп бўлиб, улар янги марказнинг очилишини тантана қилишган.

## Орадан 6 йил ўтиб...

**Гаага трибунали Рафиқ Ҳаририйнинг ўлими юзасидан 4 кишини ҳибсга олишга буйруқ берган.**



Ливан собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририйнинг 2005 йилдаги ўлими борасида текширув олиб бораётган БМТ трибунали йиққан ҳужжатларини мамлакат Бош прокуратурасига тақдим этган. Маҳаллий матбуотга кўра, тергов ишида 4 нафар сиёсий гуруҳ аъзосининг исми-шарифи келтирилган. Трибунал уларни ҳибсга олиш юзасидан буйруқ чиқарган. Эслатиб ўтамиз, Рафиқ Ҳаририй ва яна 22 киши 2005 йилнинг февралида Байрут марказида бомба портлашида ҳаётдан кўз юмган.

## Қатъий усул

**Бензин нархининг мунтазам тарзда ўсиб бораётгани АҚШ ҳукуматини жиддий хавотирга солаётир.**



Оқибатда эса кўп соҳаларда тежамкорликка интилиш кузатилмоқда. Масалан, айрим автобус йўналишлари, жумладан, кекса ёшдагиларни ташийдиган махсус транспортлар маршрутини қисқартириш ва ҳатто тугатиш ишлари бошланган. Янги ўқув йилидан бошлаб минглаб америкалик болалар мактабга ўзлари — пиёда ёки ота-оналари ҳисобидан (ёхуд уларнинг машинасида) боришга мажбур бўлади. «Биз аллақачон ёқилғини тежаш бўйича қатор чораларни кўрдик. Аммо вазият шунга бориб етдики, биз сал қатъийроқ усулларни қўллашимиз талаб этилаётир», дейди расмийлардан бири журналистларга берган интервьюсида.

## Поезд синовдан ўтди

**1300 километрли масофани 5 соатда босиб ўтадиган поезд синови муваффақиятли ўтган.**



Хабарларга кўра, хитойлик темирйўлчилар Пекин билан Шанхай ўртасида қатнайдиган тезюрар поезднинг илк синовини ўтказишди. Икки шаҳар ўртасидаги масофа қарийб 1300 километрни ташкил этади. Эндиликда Пекиндан Шанхайга бормоқчи бўлган йўловчи 5 соатдан кейин ўзининг манзилига етиб боради. Поезднинг бу масофани босиб ўтаётган пайтдаги ўртача тезлиги соатига 260 километрдан юқори бўлади.

*Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди*

РАНГИН ДУНЁ

## ФОЙДАЛИ ТАДҚИҚОТ

**ЁХУД СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ КИМГА ФОЙДА КИМГА ЗАРАР**

***Ҳозирги пайтда кўпчилик европалик ва африкаликлар сут ва сут маҳсулотларини бемалол истеъмол қилишади. Бироқ, айрим тадқиқотлар шуни кўрсатдики, европаликларнинг аждодлари қадимда сутни яхши ҳазм қила олишмаган экан. Лондондаги Майнц университети олимлари неолит даврига тааллуқли қадимги европаликларнинг суяк ва тиш қолдиқларининг ДНКларини ўрганиб, аслида сут бир неча минг йил бурунгина овқатланиш рўйхатига киритилган, деган хулосага келишди. Тадқиқотчилар раҳбари Иоахим Бюргернинг айтишича, ўша даврда инсон организми сутни ҳазм қилолмагани боис, уни катталар истеъмол этишмаган, кейинроқ қорамол хонакилаштирилгандан сўнггина, секин-аста ичакларда мутация ҳосил бўлиши натижасида ҳазм қилиш енгиллаша борган.***



Айтгандек, бугунги кунда ҳамма ҳам сутни хуш кўравермайди. Негаки, айрим инсонлар организмида лактоза — ичакдаги овқатни ҳазм этувчи микрофлоранинг танқислиги боис, сут истеъмол қилинганда қоринда оғриқ пайдо бўлади. Инсон организмида эса сутни ҳазм қилувчи энг асосий ролни лактоза бажаради. Бироқ, бу ҳам муаммо эмас, чунки лактозани меъёрига келтириш учун бир қанча дори ва табиий лактобактереумлар яратилган.

Канадалик олимлар жисмоний машқдан сўнг икки стакан иссиқ сут истеъмол қилиш айни муддао бўлиб, организмдаги ортиқча ёғни эриши ва мушакларнинг бақувватлашишига ёрдам беради, дейишмоқда.

Манчестер университети олимлари 18-30 ёшли 56 кишидан иборат иштирокчиларда махсус лойиҳа асосида тажриба ўтказишди. Улар иштирокчиларни уч гуруҳга бўлиб, 12 ҳафта давомида биринчи гуруҳга сут, иккинчи ва учинчи гуруҳдагиларга газли ва сояли ичимликларни тавсия этишган. Натижада сут ичган спортчиларда 500 гр. ёғнинг камайиши ва 1100 гр. мушак оғирлигига эришиш кузатилган. Газли ва сояли ичимликлар ичган иштирокчиларда эса фақатгина 300 гр. ёғнинг камайишига эришилган, холос.

— Ҳаммага маълумки, сут таркибида кальций моддаси бўлиб, у суякни мустаҳкамлайди. Ушбу тажриба жисмоний машқдан сўнг истеъмол қилинган сут мушакни мустаҳкамлаб, ёғнинг эришига ёрдам беришини яна бир бор исботлаб берди,- дейди тадқиқотчилар раҳбари Стюрт Филипс.

Америкалик олимлар ҳам айнан шу мавзуда тадқиқот ўтказишиб, сутни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш эркакларда паркинсон касалини келтириб чиқаришини исботлашди. Тажрибада 58 минг эркак, 75 минг аёл қатнашган. Шундан 250 нафар эркак ва 130 нафар аёлда ана шу касаллик аниқланган. Тажриба қатнашчилари кунига тахминан 4-5 стакан сут истеъмол қилишган. Мутахассисларнинг айтишича, сут таркибидаги ингредиентлар — кальций ва Д витамини организмда ортиб кетиши ва сигир сутидан ажралиб чиқувчи пестицид ва нейротоксин натижасида ушбу касаллик келиб чиқади.

Тадқиқотчиларнинг хулосасига қарамай олимлар сут ва сут маҳсулотларидан воз кечмай, аксинча меъёрдан оширмасликни эслатишмоқда.

Маълумки, гўдакнинг ўсиши жараёнида сут ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Она сути билан озиқланган бола билан она сутини истеъмол қилмаган боланинг ўртасида ҳам фарқ бўлиши аллақачон исботланган. Табиий сут худди гўшт ва балиқ маҳсулотлари каби оқсил моддасига бой манба ҳисобланади. Бундан ташқари, унинг таркибида инсон организми учун зарур бўлган аминокислоталар кўп. Яъни, бу озиқ-овқатни энергияга айлантирувчи В витамини, А витамини, В12 витамини ва углеводлар бор.

Сут, йогурт, пишлоқ эса кальцийга ниҳоятда бой. Атиги бир стакан сут ҳар куни инсонга керакли бўлган 30 фоиз кальцийга эга. Сут маҳсулотлари таркибидаги кальций бошқа маҳсулотларга нисбатан инсон организмида жуда яхши ўзлашади. Кальций эса тишларимиз соғломлиги, мушакларнинг мустаҳкамлигига ўз таъсирини кўрсатади. Сутда яна кальцийнинг инсон организмига яхши таъсир этишида катта роль ўйнайдиган Д витамини мавжуд.

Ёғи камайтирилган маҳсулотлар саратон, ўпка, ўн икки бармоқли ичак касаллиги зўрайишининг олдини олади. Ёғсизлантирилган сут ва сут маҳсулотлари эса инсон қон босимини меъёрда сақлар экан. Бир стакан йогурт инсоннинг иммун тизимини мустаҳкамлаб, шамоллашга бўлган мойилликни камайтиради.

Сутли парҳез нафас қисиш (астма)нинг олдини олади. 3000 дан зиёд кишида тадқиқот олиб борган Голландия соғликни сақлаш институти олимлари шундай хулосага келишди. Уларнинг таъкидлашларича, болаликдан ҳар куни сут ва сут маҳсулотлари (сариёғ, қатиқ, пишлоқ, қаймоқ, творог) истеъмол қилган кишиларда нафас қисиши касаллиги бошқаларга нисбатан жуда кам учраркан. Олимларнинг тахминича, бунга сабаб, мазкур маҳсулотлар таркибида маълум ёғ моддаларининг кўплигидадир.

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# КЎЗГУ

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### ҚЎҒИРЧОҚБОЗЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида IV Қўғирчоқбозлик санъати Республика фестивали бўлиб ўтди.**

Фестивалнинг очилиш маросимида қатнашган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик ҳамда ахборот маркази, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Олтин мерос" халқаро жамғармаси вакиллари миллий қўғирчоқбоз ва қўғирчоқсозларимизга ўзларининг самимий тилакларини билдиришди. Шундан сўнг, томоша бошланиб кетди. Саҳнага биринчи бўлиб, Республика қўғирчоқ театри жамоаси таклиф қилинди. Улар болажонларимиз учун "Карвонсарой" спектаклидан бир парча намойиш этиб беришди. Боғ қошидаги "Шум бола" театр жамоасининг қўғирчоқлари иштирок этган концерт дастури, "Жайҳун" (Хоразм) ҳамда Жиззах қўғирчоқ театрларининг чиқишлари нафақат болаларга, балки катталарга ҳам манзур бўлди. Айтиш жоизки, мазкур фестивалда нафақат театр жамоалари, балки моҳир қўғирчоқсозлар ҳам иштирок этишди. Улар ўзларининг янгидан янги ижод намуналари, миллий қўғирчоқларимиз билан қатнашиб, фестивалнинг янада мазмунли ўтишини таъминлашди. Фестиваль якунида эса ғолиб жамоаларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Зафар МУҲАММАД**

### "ОНАЛАР КУЙЛАГАНДА"

**Термиз туман маданият уйида "Оналар куйлаганда" номли алла, ёр-ёр, лапар ижрочилари кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.**

Шунингдек, Термиз ўлкашунослик музейи ходимлари томонидан Музработ туманидаги "Бешбулоқ" ёзги дам олиш оромгоҳида табиат ва этнографияга оид экспонатларнинг кўчма кўргазмаси намойиш этилди. Қумқўрғон туманидаги марказий маданият уйида эса "Ягонасан, муқаддас Ватан!" Республика кўрик танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловда 23 нафар киши иштирок этиб, Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар ижро этилди.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

### ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик ҳамда ахборот маркази, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги миллий комиссияси, Тошкент Давлат маданият институти ҳамкорлигида "Номоддий маданий мерос масалалари"га бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.**

Марказ раҳбари Ў.Тошматов анжуманни очиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тадбирда сўзга чиққанлар неча асрлардан буён сақланиб келаётган ноёб номоддий маданий меросимизни асраб-авайлаш, уни бугунги ёшларимиз онгига сингдириш ва давом эттиришга жалб этиш зарурлигини таъкидлашди. Анжуман сўнгида ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Назокат АҲМЕДОВА**

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

### ПЛАКАТЛАР МАЖМУАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

*Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввало фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.*

**Ислом КАРИМОВ**




Дарҳақиқат, мустақиллик унинг ҳаётини буткул ўзгартириб юборди. Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 10 йиллигида мактабни тамомлаб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Тошкент Ислом университетига ўқишга кирди. Мустақиллик фарзанди Мардон Аслонов унинг қутлуғ 20 йиллик тўйига ўзига хос совға ҳозирлади. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "IJOD" Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари Ассоциацияси кўмаги билан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари мазмун-моҳиятини кенг халқ оммаси, айниқса, мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодга тасвирий-тарғибот усулида етказиш мақсадида плакатлар тўпламини тайёрлади.

— 2008 йилда Тошкент Ислом университети томонидан ахборот технологияларини ривожлантириш ва малака ошириш мақсадида Миср Араб Республикасига юборилдим, - дейди Мардон Аслонов. — Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари ўшанда энди нашрдан чиққан эди. Уни ўзим билан олиб кетдим. Китобни икки-уч маротаба ўқиб чиқдим. Қоҳира шаҳрида юртдошимиз Аҳмад ал Фарғоний томонидан қурдирилган Нилометр расадхонаси ва бобомиз ҳайкалини кўриб, шундай халқнинг фарзанди эканлигимдан, Фарғонийдек бобокалонларимиз борлигидан ғурурланиб, бошим осмонга етди. Буюк бобомиз қурдирган улкан иншоот — Нилометрни ўз кўзим билан кўриб, Президентимизнинг китобда баён қилинган ал Фарғоний ҳақидаги фикрларидан ниҳоятда таъсирландим. Ушбу асар ҳақида халқчил ва оммабоп плакатлар тўпламини тайёрлаш ғояси ўшанда туғилди. Ўзбекистонга қайтгач, асардаги ҳар бир мавзу ва йўналишлар асосида плакатлар мажмуасини тайёрладим ва уни 2010 йилнинг кузида Фонд Форум қошида ташкил этилган "IJOD" Ассоциациясига топширдим. Ассоциация кенгаши плакатларимни кўриб чиқиб, керакли тавсияларни берди. Плакатларим ана шундан сўнг ҳозирги кўринишга эга бўлди.

Плакатлар мажмуаси "Маънавиятни англаш" мавзуси билан очилади. Унда Президентимизнинг "Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир" деган фикрлари катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Мавзуга мос турли расмлар билан безак берилди. Бу ўқувчига "Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак"лигини англатади. "Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар",




"Маънавият ва моддий ҳаёт уйғунлиги", "Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт", "Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя", "Инсон қалбига йўл", "Энг буюк жасорат" деб номланган плакатлар ҳам ранг-баранг суратлар, тарихий кўринишлар билан безатилди.

**Эльмира АҲМЕДОВА,**
**"IJOD" Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари Ассоциацияси ижрочи директори:**

— Ушбу плакатлар мажмуаси энг аввало, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари асосида яратилганлиги билан аҳамиятлидир. Уларда Ўзбекистонимизнинг 20 йил ичида эришган ютуқлари, муваффақиятлари ва кенг кўламли ислоҳотлар акс этган. Бу бизнинг маънавий, маърифий соҳадаги биринчи лойиҳамиз ҳисобланади. Уни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фикр-мулоҳаза ва тавсиялари ҳам инобатга олинди. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими, Соғликни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бошқа вазирлик, идоралар лойиҳамизни қўллаб-қувватлайди ҳамда плакатлар мажмуасини кенг оммага тақдим этишда яқиндан кўмак беради, деб умид қиламан.

**Бахтиёр НАЗАРОВ,**
**санъат арбоби:**

— Ҳар бир плакат битта соҳани ўз ичига қамраб олади. Улар оммабоп бўлиб, айниқса, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун ғоятда керакли. Улар ўқувчилар фикри ва маънавиятини янада бойитишга хизмат қилади. Китобни ўқиб, плакатни кўрган ёшларнинг Ватан, юрт ва истиқлолга бўлган меҳру муҳаббати ошиши шубҳасиз. Плакатларни тайёрлаш жараёнида Акбар Раҳимов, Александр Николаев, Муҳаммад Фозилий, Элмира Аҳмедова, Абдуғани Жумаев каби ўз соҳасининг усталари маслаҳат ва тавсиялари билан яқиндан кўмак беришди.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида: "Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз", деб ёзади. Дарҳақиқат, ҳар бир давр ва ҳар бир юртда маънавий жасорат энг буюк жасорат сифатида улуғланган. Бунга ота-боболаримиз қолдирган бой маънавий мерос, тарихий обида ва улар ёзиб қолдирган асарлар мисол бўла олади. Улар бизни буюк ишларга, буюк жасоратларга, мустақил мамлакатимиз ва Президентимиз атрофида янада жипслашишга, уларга қанот бўлишга ундайди. Ёш авлодни Ватанга садоқат, маънан баркамол ҳамда аждодлар руҳига ҳурмат каби инсоний фазилатлар асосида тарбиялайди.




**Эркин ЙЎЛДОШ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## ЎЗБЕКОНА УДУМЛАРИМИЗ

# ЧОЙ ДАМЛАШ СИРЛАРИ



Сарлавҳани ўқиб, "шунинг ҳам сири бўптими, сувни қайнатасиз, чойнакка қуруқ чой соласиз, вассалом" дегувчилар ҳам бор, албатта. Катта ёшдагилардан "Қўлинг ширин экан, чойни яхши дамлабсан", "Аччиққина чойингни ичиб, маза қилдим", каби таърифларни ҳам эшитгансиз. Демак, чой дамлашда ҳам ҳикмат катта. Уни узатишнинг ҳам ўз одоби бор. Бувимнинг таърифи билан айтганда, қайнаётган сув қирқ марта "умбалоқ ошиши" шарт. Сўнгра бўш ва тоза чойнак олиниб, ана шу қайнаган сувда чайилиб, иситиб олинади ва 1-2 қошиқ қуруқ чой солгач, устидан қайнаб турган сув солинади. Аммо кўпчилик сувнинг қайнаб ўчирилганига 5-10 дақиқа ўтган бўлса-да, "Ҳозиргина қайнаган эди, қайноғи ўчмаган" деб чой дамлашаверади. Натижада чойнинг таъми қочади, хушбўйлиги йўқолади. Чойни уч марта қайтаришда ҳам ҳикмат бор. Меҳмонларга чойни уч марта қайтарилган пиёлада эмас, янги пиёлада, чап қўлингиз кўксингизда, ўнг қўлингиз билан очиқ чеҳра, табассум қилиб узатинг. Чунки чой қайтарилган пиёла жуда иссиқ бўлади, бу эса сизга ҳам, меҳмонга ҳам ноқулайликлар келтириб чиқариши мумкин. Халқимизда "Чойни ёши кичиклар тарқатади, нонни эса катталар ушатади", деган гап ҳам бор. Агар бирор юмушингиз чиқиб қолса, меҳмонларга узрингизни айтиб, дамланган чойни даврадаги энг ёш одамга топшириб кетишингиз мумкин.

**Бунёд ХОЛМУРОДОВ**

## ЎГИТ

**Кимки ўз ҳосилин хом еб тугатар,**
**Куз куни хирмондан машоқлар терар.**

* * *

**Ақлнинг кўзи ҳам таъмадан боғлиқ,**
**Таъмадан илингай домга қуш, балиқ.**

## БИЛАСИЗМИ?

Дунёнинг энг кенг кўчаларидан ("Монументал ўқ", эни — 250 метр) бири Бразилиа (Бразилия) шаҳрида жойлашган.

* * *

Папуа Янги Гвинея давлати таркибига Янги Британия ва Янги Ирландия ороллари киради.

## ТУРФА ОЛАМ

# 100 ЙИЛ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**САРИҚ ДЕНГИЗ (ХИТОЙ) АКВАТОРИЯСИ УСТИГА ҚУРИЛГАН ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН КЎПРИК ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.**



Автомобиль ҳаракати учун мўлжалланган ушбу кўприкнинг узунлиги 41,58 километрни ташкил қилади. Қурилиш жараёнида қатнашган мутахассисларнинг айтишича, кўприк 6 та автомобиль йўлидан иборат. Камида 100 йил хизмат қилиши кутилаётган кўприк Циндао шаҳрининг Цзяочжоу бухтасини Шаньдун провинцияси билан боғлайди. Эслатиб ўтамиз, дунёдаги энг узун кўприкнинг қурилиши 2007 йили бошланган эди. Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа рўёби учун 9,04 млрд. юань ($1,4 млрд.) миқдоридаги сармоя сарфланган.

# ҲАЁТБАХШ ЭЛИКСИР

**ПАСХА ОРОЛИДАН ТОПИЛГАН МОДДА ИНСОН УМРИНИ УЗАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ПРЕПАРАТГА АСОС БЎЛДИ.**



Олимларнинг гапига қараганда, ҳаётбахш дори қариш жараёнини секинлаштиради. Натижада уни қабул қилган инсоннинг умри салкам 10 йилга узаяр экан. Ҳозирда препарат клиник синовлардан ўтказилмоқда. Ана шу дори туфайли вақтидан аввал қариш касаллигига дучор бўлган болаларда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилган. Уларнинг организмида шиддат билан кечаётган қариш жараёни секинлаша бошлаган. Шу боис, шифокорлар ушбу ҳаётбахш доридан оз миқдорда қабул қилиш инсон организмига, айниқса, иммунитети сусайган одамлар учун фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлашмоқда.

# ЧЎҚҚИ УСТИДАГИ СОАТ

**ТЕХАС (АҚШ) ШТАТИДАГИ ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИНИНГ БИРИДА ҒАРОЙИБ ҚУРИЛИШ БОШЛАНДИ.**



Манбада келтирилишича, у ерда механик соат учун махсус уй қурилар экан. Инсон қўли билан яратилаётган чўққи устидаги механик соатнинг баландлиги 60 метр, тошлари эса 4,5 тонна атрофида бўлиши кутилмоқда. Антиқа соатнинг қолган ўлчамларига келсак, 20 та энг йирик тишли ғилдираклар диаметри 2,4 метр, ҳар бирининг оғирлиги нақд 450 килограммни ташкил этаркан. Энг қизиғи, чўққи устига қурилган соат курант каби белгиланган вақтда бонг урмайди. Вақтни билишни истаган инсон чўққига кўтарилиб, соат циферблатини юргизиб юбориши лозим. Бундан ташқари, ғаройиб соат нафақат вақтни, балки юлдузлар ва сайёралар жойлашувини ҳам кўрсата олармиш.

# САРАТОНГА ДАВО

**ОЛИМЛАР СОҒЛИК УЧУН НИҲОЯТДА ФОЙДАЛИ ҚОРА МАЙМУНЖОН НАВИНИ ЯРАТИШГА МУВАФФАҚ БЎЛИШДИ.**



Огайо университети тадқиқотчилари янги навга Mac Black номини беришган. Уларнинг таъкидлашича, қора маймунжон таъми, фойдали модда ва антиоксидантларга бойлиги билан ҳам оддий маймунжондан фарқ қиларкан. Қолаверса, у саратонга чалинишнинг олдини оларкан. Ҳайвонларда ўтказилган тажриба натижаларига кўра, қора маймунжон йўғон ичак, томоқ, бўйин ва кўкрак бези саратонларининг олдини олиши мумкин. Айни дамда ушбу мева клиник синовдан ўтказилмоқда.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ
Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 719, Адади — 4257
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Камолиддин ҲОТАМОВ
Электрон почта: e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.30.
1 2 3 5